Халқ дениздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-ОХИРА, 6-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҚАВС, 25-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган. 1991 йил 13 декабрь, жума, 240-сон НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

Депутат минбари

ХАЛҚ ДАРДИГА МАЛҲАМ

Мустақилликнинг умрбоқийлигини таъминлаш эндиликда кўп жиҳатдан меҳнатимиз самарасига, ҳамжиҳатликка ва ҳар бир ишни ақл-идроқ билан бажаришга боғлиқ бўлиб қолди. Ўйлайманки, жумҳуриятимизда бунинг учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Табиий-иқтисодий имконият-лар бисёрлиги, меҳнатсевар ва истеъдодли халқимизнинг тараққийпарварлик билан йўғрилган қадимий анъаналари ва бой миллий маданиятга эга эканлиги — фикримнинг далили.

Мана шундай заминда яшовчи халқ манфаатларига хизмат қилишнинг ўзини катта бахт, деб биламан. Уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида ижобий ва ижодий ҳаракатлар қилишни ҳар биримиз муқаддас бурч деб билмоғимиз зарур. Бунинг учун иқтисодий тадбиркорликка эркинлик берилиши, меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, мустаҳкам интизом ўрнатиш, ҳар бир иш жойида меҳнаткаш ва раҳбарларнинг бажарилган иш сифати учун масъулиятини ошириш шу куннинг талабига айланганлигини унутмаслигимиз лозим.

Кейинги вақтларда жумҳуриятимиз раҳбариятининг, хусусан Президент И. А. Каримовнинг ташаббуси билан халқимизнинг моддий фаровонлигини яхшилаш, маданий савиясини кўтариш, шунингдек унумлироқ меҳнат қилиш учун қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, аҳолига ер участкалари ажратиб бериш, ёрдамчи хўжаликлар юритиш, уй-жой қуриш ҳамда хонадонларни ҳайвонлар, паррандалар, уруғлик, кўчат, ем-хашак ва қурилиш материаллари билан таъминлаш каби халқпарвар тадбирлар ҳаммамизни руҳлантирди, одамларда ишонч, миннатдорчилик туйғуларини жўш урдирди.

Мен йирик хўжаликнинг раҳбари ва халқ депутати сифатида бевосита одамлар билан ишлайман ва яшайман. Шу туфайли уларнинг орзу-истаклари, мақсад-интилишлари билан ҳар куни, ҳар дақиқада юзлашаман, десам хато бўлмас. Оддий меҳнаткашлар республикамиз раҳбариятининг, айниқса Президентимиз И. А. Каримовнинг бошқарувдаги, сиёсий ҳамда иқтисодий соҳадаги фаолиятини қўллаб-қувватлаб, кўрсатилаётган ғамхўрликка фидокорона меҳнатлари билан жавоб бермоқдалар.

Ҳаммага маълумки, чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг мураккаб тармоқларидан бири. Аммо қатор йиллар давомида унга илмий асосда раҳбарлик бўлмагани сабабли бу муҳим соҳада қолоқлик чуқурлашиб бораётганлигини сезиш қийин эмас.

Ем-хашак базасининг ночорлиги, моллар зотини яхшилаш жараёнидаги сусткашликка йўл қўйилаётганлиги оқибатида маҳсулдорлик ва иқтисодий кўрсаткичлар ҳануз пастлигича қолмоқда. Ваҳоланки, бу соҳанинг барча тармоқларини муваффақиятли ривожлантириш учун жумҳуриятимизда етарли табиий ва иқтисодий шароитлар мавжуд.

Бизнинг Каттақўрғон чорвачилик комплексимизда бир йўла 25 минг бош қорамол боқилмоқда. Бу ерда унумли меҳнат учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Ишлаб чиқаришдаги асосий жараёнлар механизациялаштирилган, йилдан-йилга суғориладиган ер майдонини кенгайтириш ҳисобига мустаҳкам ем-хашак базаси яратилмоқда. Ишчи-хизматчиларга маданий-маиший шароит вужудга келтирилмоқда. Улар уй-жой ва қўшимча томорқалар билан таъмин этилган. Кейинги вақтда ҳар бир хонадонга 300 килограммдан ғалла тарқатилди. Жамоамизнинг диққат-эътибори сифат кўрсаткичларни яхшилашга, меҳнат унумдорлиги ва моддий манфаатдорликни оширишга қаратилгани туфайли ишлаб чиқариш самарадорлиги юксалиб бормоқда. Натижада 1991 йилда давлатга топширилган ҳар бош бўрдоқининг тирик вазнини 600 килограммга етказдик. 6500 тонна юқори семизликда гўшт топширилиб, 16 миллион сўм фойда олишга муяссар бўлдик. Рентабеллик даражаси эса қарийб 100 фоизга етди. Демоқчиманки, агар мутасадди кишилар ўз бурчларини чуқур масъулият билан виждонан бажарсалар, ҳеч шубҳасиз, халқимизни гўшт ва сут билан таъминлаш имконияти мавжуд.

Энди чорвачиликни юксалтиришда амалга оширса бўладиган таклифларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Маълумки, республикамизнинг деярли кўпчилик хўжаликларида озуқабоп экинлардан 40—50 центнердан ҳосил олинади. Бундай жойларда ҳар гектар суғориладиган ердан камида 100 центнер озуқа бирлигига тенг маҳсулот етиштиришни таъминлаш учун ҳамма тадбирларни кўриш керак.

Пахтани қайта ишлаш жараёнида чиқадиган шелуханинг жуда қимматбаҳо емиш эканлигини назарда тутиб, уни гидролизга сарф қилиш масаласини қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳсулдорликни кўпайтириш мақсадида гўштга топшириладиган ҳар бош молнинг тирик вазни 500 килограммдан кам бўлиши гўшт манбаини талон-торож қилиш деб баҳоланиши лозим. Бу шарт гўшт тайёрлов идораларига тааллуқлидир.

Яна муҳим муаммолардан бири — подалар таркибини зоотехника талаблари асосида такомиллаштириш ҳисобига жумҳуриятимиз миқёсида минг тонналаб қўшимча гўшт ва сут етиштириш мумкин. Фикримча, ҳар бир хўжаликнинг ички эҳтиёжларини қондириш учун (касалхона, болалар боғчалари, мактаблар, ногиронлар ва бошқалар) табиий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда бир-икки отар қўй ва кичик паррандачилик фермаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, ихтисослаштириш баҳонаси билан кўп жойларда қисқартирилган қўйчилик, йилқичилик ва туячилик фермаларини тиклаш масаласини ўрганиш зарур эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Саноат корхоналари ва баъзи бир ташкилотлар ҳузурида тузилган ёрдамчи хўжаликларнинг фаолиятига эътиборни кучайтириш лозим. Уларнинг йўналиши асосан гўшт ва картошка етиштиришга қаратилиши керак.

Жумҳуриятимиз мустақиллигининг мустаҳкам бўлишига, халқ фаровонлигини оширишга унинг дардига шерик, оғриқ жойига малҳам бўлгандагина эришиш мумкин. Баён этилган таклифларим ҳар бир раҳбарнинг диққат-эътиборини тортади, деган умиддаман.

Р. АГАБАБЯН,
Ўзбекистон халқ депутати, Каттақўрғон чорвачилик комплекси директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.



Сурхондарёда Пангин бобони шахсан танишмаса ҳам у ҳақда эшитмаганлар бўлмаса керак. «Фермер бобо» дейишингиз билан гап Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигидаги ишбилармон мўйсафид ҳақида бораётганлигини фахмлашиб, «Етимқум»лик-да дейишади.

Пангин бобо Суюнов ишбилармонлиги туфайли ана шундай эътибор қозонди. Унинг фермерлик хўжалигида 560 бош майда туёқли, 42 бош йирик шохли, 4 бош туя, 6 бош йилқи, улкангина боғ ва иссиқхонаси бор. Ҳозиргача давлатга 5 тонна гўшт, 600 килограмм жун, 17 тонна лимон ва бошқа сархил мевалар топширди. Шунга яраша Пангин бобо оиласи билан бу йил 93 минг сўм даромад қилди.

СУРАТДА: фермер бобо лимонзорда.

И. ХУЖАЕВ олган сурат.

АШХОБОД: ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ БОШЛАНДИ

«Мен мустақил давлатлар иттифоқига эмас, балки мустақил давлатлар ҳамдўстлигига мойилман», — деди 12 декабрь куни Ашхободга Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашувига келган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов самолёт пилларояси олдида. Ҳар бир республика, деб давом этди у, «ўз тақдирини ўз қўли билан барпо этади. Биз учун ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимга ҳамма йўллар очиқ».

Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев Ўзбекистон раҳбарининг фикрига қўшилди. «Биз ҳаммамиз ҳамдўстлик тарафдоримиз. Чунки халқларимизни муштарак урф-одатлар, анъаналар боғлаб турибди. Юз бераётган воқеаларга нисбатан коллектив фикримизни ишлаб чиқамиз, деб умид қиламиз», — деди у журналистларга аэродромда.

Ашхобод аэропортида меҳмонларни Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва республиканинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон президентлари Россия, Украина ва Беларусь Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимни имзолаганликлари натижасида юз берган вазиятни муҳокама қилиш учун Ашхободга келдилар.

(ЎзТАГ мухбири — ТуркманИНФОРМ).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия комитетининг навбатдаги мажлисида партия Марказий Кенгаши III пленумини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Пленумни 14 декабрда чақириш, унинг кун тартибига республикадаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият шароитида партия фаолиятининг биринчи галдаги вазифалари тўғрисидаги масалани киритишга қарор қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши комиссиясининг партия молмулкининг бир қисмидан партия хўжалиги эҳтиёжлари учун ва аҳолининг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш тўғрисидаги таклифлари муҳокама қилинади.

Сиёсий ижроия комитет мажлисида республика Олий Кенгашида Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқ депутатлари гуруҳи низоми тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Партиянинг депутатлар гуруҳи ўз ишини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, республика Олий Кенгашининг иш тартиби, Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастури ва низоми, шунингдек парламент фаолиятининг халқаро қоидалари асосида қуради.

Низом тасдиқланди, уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатига тақдим этишга қарор қилинди. Собиқ иттифоқ таркибидаги мустақил давлатлар демократик партиялари билан бўлажак ҳамкорлик тўғрисидаги қарорларнинг лойиҳаси маъқулланди.

Партия ички турмушининг бошқа масалалари ҳам муҳокама қилинди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига «Эрк» демократик партиясидан номзод Муҳаммад Солиҳ (Салай Мадаминов) Сурхондарёда икки кун бўлди. Термиз шаҳрида вилоят ижтимоий-сиёсий маркази биносида у сайловчилар билан учрашди. Президентликка номзод ўзининг сайловолди дастури ҳақида сўзлаб берди, сайловчиларнинг саволларига жавоб қайтарди. Сўзга чиққан кишилар (улар вилоятнинг турли районларидан келишган эди) номзод дастурини қўллаб-қувватлашларини айтдилар ва 29 декабрь куни Муҳаммад Солиҳ учун овоз беришга чақирдилар.

М. Солиҳ Термиз яқинида жойлашган «Жайронхона» вилоят физиотерапия касалхонасида бўлди, Шўрчи район марказида сайловчилар билан учрашди.

(ЎзТАГ мухбири).

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

✦ СССР Конституциявий назорат комитети Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишга доир битимга тааллуқли ҳужжатларни қараб чиқишга киришди. Комитет раиси Сергей Алексеевнинг ТАСС мухбирига айтишича, бу ишнинг мураккаблиги шундаки, Конституциявий назорат комитети мустақил давлатларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини муҳокама қилишга ҳақли эмас. Бу масалада биз Конституцияни бузмаган ҳолда ўз нуқтаи назаримизни белгилаб оладиган усул ва шаклларни топишимиз зарур бўлади, деб таъкидлади у.

✦ **Арманистон маориф вазирининг буйруғи билан 10 декабрдан эътиборан республикадаги ўнлаб мактабларда машғулотлар тўхтатилди. Озарбайжон ҳудуди орқали ўтиб турган ва ноябрь ойининг бошида тўхтатиб қўйилган газнинг йўқлиги туфайли кўплаб ўқув юртлари иситилмаяпти.**

✦ 10 декабрь — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро куни кеч соат 19.00 да ОМОН (алоҳида мақсаддаги милиция отряди) томонидан Совет майдонида Моссоветнинг беш нафар депутати ҳибсга олинди. Улар жамоат ташкилотлари қаторида файловчилар билан учрашув ўтказаётган ҳамда Москва ҳукумати шаънига танқидий фикрлар билдирган, порахўрликка қарши курашиш, бозор сиёсатига ўтиш пайтида москволикларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини барпо этиш таклифини илгари сурган эдилар. Депутатлар қатори партияларнинг бир неча вакиллари, жумладан Австрия фуқароси ҳам қўлга олиниб, икки соатдан ортиқроқ соқчилар қуршовида зўрғаб ушлаб турилдилар.

✦ **Чоршанба куни саҳар чоғида Боку атрофидаги турар жой биносида кучли портлаш рўй берди. Натижада бир киши ҳалок бўлди, тўрт киши жароҳатланди. Фавқулодда ҳодиса сабаблари текширилмоқда.**

✦ АҚШ Президенти Ж. Буш совет-америка савдо битимини ратификация қилиш тўғрисида яқинда конгресс маъқуллаган ҳужжатга имзо чекди. Унда Қўшма Штатлар билан савдо-сотиқда СССРга бир қадар қулайлик бериш кўзда тутилган.

✦ **СССР давлат банки Барселонада ўтказиладиган XXV олимпиада ўйинларига бағишлаб бир сўм қийматга эга бўлган олти хил эсдалик тангадан иборат туркумни муомалага чиқаради.**

Бир сўмлик эсдалик тангалар оқ рангда мис-никель қоришмасидан диаметри 31 миллиметр бўлган доира шаклида тайёрланади.

Эсдалик тангалар ёзиб қўйилган қиймати билан ҳамма турдаги тўловларга, шунингдек жорий ҳисоб-китоб варақаларига, жамғармалар, аккредитивларга ёзиб қўйиш учун ва жўнатиш учун ҳеч чекланмаган миқдорда қабул қилиниши мажбурийдир.

✦ Қирғизистон Олий Кенгашининг 11 декабрда очилган сессиясида республиканинг биринчи марта умумхалқ томонидан сайланган Президенти Асқар Акаев тантанали қасамёд қилди. Президент ўзининг дастурий нутқида ислоҳотлар сиёсатига содиқлигини тасдиқлади.

✦ **АҚШ давлат котиби Бейкер яқинда Совет Иттифоқига келади. У режалаштириб қўйилган Москва, Киев ва Минскдан ташқари Ўрта Осиёнинг «ислоҳотчилар раҳбарлик қилаётган» икки республикаси — Қозоғистон ва Қирғизистонга ҳам сафар қилиш ниятидадир. АП агентлиги таъкидлашича, Бейкер мамлакатдаги аҳвол хусусида жамики зарур ахборотни биринчи оғиздан эшитишга умид боғламоқда.**

✦ Россия Федерацияси Республикачилар партияси ёшлари баёнот эълон қилдилар. Унда шундай дейилади: «Иттифоқ парчаланаётган ва бир қанча республикалар Иттифоқ шартномасини имзолашдан бош тортаётган шароитда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳаётий зарурат эди». Республикачилар РСФСР парламентини Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги шартномани тасдиқлашга чақирдилар.

✦ **«Известия» газетасида хабар қилинишича, 10 декабрда кечқурун Эрих Хонеккерга республика ҳудудидан чиқиб кетиш ҳақида Россия ҳукумати қарори етказилган. Мазкур қарорга мувофиқ ГДРнинг собиқ раҳбари 13 декабрдан кечикмай РСФСРни тарк этиши лозим. Агар у қарорга риоя қилмаса, мажбурий равишда Германия маъмурлари қўлига топширилади. Эрих Хонеккер бунга қарши норозилик билдирди, Совет ҳукуматидан сиёсий бошпана беришни сўраганлигини айтди.**

✦ Чоршанба куни футбол бўйича Оврупо кубоги мусобақаларининг навбатдаги босқичи ўйинлари ўтказилди. Прагада «Динамо» (Киев) Чехословакиянинг «Спарта» командасига қарши майдонга тушди. Қизиқарли ўтган бу ўйин 2:1 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди. Симферополда эса Москва «Динамо»си Бельгиянинг «Гент» командасини қабул қилди. Учрашув 0:0 ҳисобида якунланди.

(ТАСС ва марказий рўзномаларнинг материаллари асосида тайёрланди).

Шу куннинг мавзуси

САРОСИМАЛИК

Алвон-алвон даврлар ҳам, «дориламон» замонлар ҳам ўтиб кетганга ўхшайди. Одамларнинг дилида ҳам, тилида ҳам, ҳатто икки қўлида ҳам саросимали — тутганини ушлайди, уйга ташийди. Дўконларнинг пештахталари бўм-бўш, бозорга тушишга юрак етмайди. Иқтисод ҳамиқадар, лекин сиёсатнинг чўнтаги тўла — гап билан, ваъдаю қасам билан. Сиёсат деганининг бети бўлмас эканми-а! Шу боис турланиш ва тусланишларнинг ҳам кети кўринмаяпти. У кун сайин турқу тароватини ўзгартириб турибди.

Беларусь, Россия Федерацияси ва Украинанинг мустақил ҳамдўстлар ҳамқорлиги ҳақидаги гап ҳам кутилмаганда содир бўлди. Бини титилиб, нураб бораётган империя ҳудудидаги катта зилзилага менгзаш мумкин. Зилзила эса талофатсиз бўлмайди. Мустақил республикалар бу борада ҳали тайинли бирор гап деганларича йўқ. Мамлакат Президенти М. С. Горбачевнинг фикри эса қатъий: кўп миллатли давлатлар тақдири учта республика раҳбарлари иродаси билан белгиланиши мумкин эмас.

Табиийки, бу қадам Октябрь инқилоби туфайли яралган империяни барбод этди. Энди бу ҳамкорлик унинг қонун-қоидаларига, тутумига амал қилмайди. Бизнинг Тошкент шаҳридаги «Октябрь инқилоби» метро бекатида муштарийлар билан учрашганлигимиз ва суҳбатлашганимизнинг маъзию моҳияти ҳам ана шунда.

ГРИЦИШИН А. В. — «Тошкентгеология» бирлашмаси ишчиси:

— Ўқидим. Эшитдим ҳам. Уларнинг хатти-ҳаракати нотўғри. Худди аввалгидай бирга бўлганимиз яхши. Мен ҳозир иккиланиб турган Совет Армиясига ҳам шу ниятни раво кўраман.

А. ТОШМАТОВ, Э. ЭРГАШЕВ — ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти толиблари:

— Славянлар бирикканда, мусулмонлар қараб туришлари керакми? Уюшиш шарт. Бу албатта тараф-тараф бўлиб уришиш дегани эмас. Иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар давом этаверсин. Аммо зинҳор-базинҳор уларнинг иттифоқига кирмаслигимиз лозим. Армиямиз ҳам алоҳида бўлсин, фақат республиканики эмас, мусулмонлар иттифоқи қўшинлари ягона бирликни ташкил этсин.

45—50 ёш атрофидаги одам [исм-шарифини айтишни хоҳламади].

— Иттифоқ сақланиб қолгани яхши.

НАЗИРОВ. А. — алоқа институти катта ўқитувчиси:

— Уч республика бирлашиб тўғри қилди. Горбачевнинг гаплари — унинг сўнгги талвасаси. Бир кунмас-бир кун шундай бўлиши табиий эди. Эндиги гап мусулмонларнинг бирлашишларида қолди. Албатта, бу бирлик дўстона ва самимий бўлиши лозим, деб ўйлайман. Шунда бизга армия ҳам зарур бўлмайди. Рақиб бўлмаса, биз кимдан ҳимояланишимиз керак?

РАТАНОВА В. А. — метронинг «Октябрь инқилоби» бекати ишчиси:

— Уларнинг нияти қора. Иттифоқни йўқ қилишмоқчи. Октябрь берган эркинликни тугатмоқчилар. Тарихни эса йўқотиб бўлмайди, жумладан ушбу бекатнинг номини ҳам.

ЮГАЙ В. — «Главташкентстрой»нинг 155-қурилиш-монтаж бошқармаси ишчиси:

— Билмадим. Горбачевнинг айтишича, учта республика иттифоқнинг тақдирини ҳал қилолмайди. Менимча, ҳамма умид деймизми, бахт деймизми, СССР халқ депутатларининг фавқулоддаги съездидан...

ЖАЛИЛОВ А. — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими масъул котиби:

— Бу муҳим масала. Модомики, Россия, Беларусь, Украина бирлашган экан, давр тақозоси. Чунки дини, тарихан келиб чиқиши, яшаш тарзи бир хил бўлган халқларнинг бирлашуви табиийдир. Уларнинг иттифоқи ижобий баҳоланмоғи керак. Демак, ўз-ўзидан аёнки, собиқ Туркистоннинг 5 та жумҳурияти, Озарбайжон Республикаси зудлик билан уюшмоқлари зарур. Биз ўз ватанимизда аҳил-иноқ яшашни истаймиз.

ХОЛИҚОВА Ф. — Тошкент шаҳар совети ижроия комитети тижорат бошқармаси мутахассиси:

— Тўғриси, сиёсатга қизиқмайман, ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

Бекат зиналаридан юқорига кўтарилар экамиз, бир чеккада бош кийимини олдига қўйиб, одамларга қўл чўзиб турган гадога кўзимиз тушди. Унга ҳам фикримизни тушунтирдик.

— Билмайман, — деди у норози оҳангда, — билишни ҳам хоҳламайман. Нима, Горбачев қорнимни тўйғазмаганда, Украинангу Россиянг телпагимни пулга тўлғазиб қўярмиди. Яхшиси, тўрт беш дона танга ташла-ю, жўнаб қол.

Метро бекатидан чиқиб таҳририят идорасига қайтар эканман, бояғи ўртасидаги Карл Маркс ҳайкалига кўзим тушди. У менга хўмрайиб тикилаётгандай туюлди. Шоша-пиша қадамимни жадаллатгандим, бир овоз эшитилди. Гўё ғойибдан овоз келаётгандек эди. Машиналар шовқинида «Бутун дунё» ва «бирлашингиз» сўзларини англай олдим, холос. Аммо ўртадаги сўзни тушунолмадим: пролетарлари, дедими, туркийлари, дедими-ей...

ЖУШҚИН суҳбатлашди.

НАМАНГАНДА ВАЗИЯТ ИЗГА ТУШМОҚДА

8 декабрьдан 9 декабрга ўтар кечаси Наманганда бир гуруҳ одамлар собиқ Ўзбекистон Компартияси вилоят комитетининг (ҳозир Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши) жойлашган биносини эгаллаб олдилар. Уларнинг айтишларича, бинони эгаллашдан мақсад бу ерда ислом марказини ташкил этишдир.

Вилоят кенгашининг раиси Б. Ж. Ҳакимов 11 декабрь куни вилоят аҳлига баёнот билан мурожаат қилди. Унда масалани вилоят совети сессиясига муҳокама қилиб, қонуний йўл билан ҳал этиш керак, дейилади. Ҳеч қандай ҳуқуқий меъёрлар ва инсон турмушининг энг оддий қоидалари ҳам бинони ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймайди.

ЎзТАГ мухбири Наманганга келган Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабековдан Наманганди воқеаларга ўз муносабатини айтишни илтимос қилди.

— Собиқ вилоят партия комитетининг биносини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган одамларнинг ҳаракатларини маъқулламайман. Айтмоқчи, Наманган масжидларининг имомлари ҳам бу тадбирни қоралаб, унинг қонуний эмаслигини ва ноҳақлигини таъкидлашмоқда. Фахрийлар, зиёлилар, вилоят жамоатчилиги ҳам бинони эгаллаб олган кишиларнинг хатти-ҳаракатларини қораламоқдалар. Меҳнаткашлардан жуда кўп хатлар келмоқда, уларда собиқ вилоят партия комитети биносида жамоат маркази — Маърифат уйи ташкил этишни таклиф қилмоқдалар. Ана шу марказ ҳал қилиши мумкин бўлган масалалар қаторига ислом тарихини, Қуръон, халқ ва республика тарихини ўрганишни киритиш мумкин. Марказ кейинчалик чет элда таълим олиш учун мутахассисларни тайёрлаш билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Ҳозир бино тақдирини яқин вақт ичида ҳал этишга ўринилмоқда. Мусулмонлар вакиллари мулоқотга бажонидил тайёрдирлар, улар кўпгина оқилона ва тўғри таклифларни билдиришмоқда. Вилоят советининг сессияси эса депутатлар талабига биноан кечиктирилди. Сессия вазият тўла барқарорлашгандан сўнг бўлади.

Можаро тез орада тугайди, деб ўйлаймиз. Бу можаро чиқишига олиб келган сабаблар батафсил ўрганилади. Вилоят раҳбарлари мусулмон дини арбоблари билан мулоқотдан ўзларини четга олганликлари можарога сабаб бўлганлиги мен учун равшан. Шундай пайтлар бўладики, одамларнинг у ёки бу гуруҳлари билан мунтазам гаплашиб олиш керак. Одамларни ўз нуқтаи назари ҳақлигига ишонтира билиш, уларнинг маслаҳатларига, фикрларига қулоқ сола билиш керак. Вилоят раҳбарлари эса ҳеч ким билан маслаҳатлашмай яширинча қарорлар қабул қилишни афзал кўрганлар, бу эса мусулмон арбобларининг бир қисмида норозиликни келтириб чиқарган.

Умуман вилоятдаги вазият изга тушмоқда ва [illegible] назорат қилиб турилибди, — деди пировардида И. Ҳ. Жўрабеков.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ВА РЕФЕРЕНДУМГА 16 КУН ҚОЛДИ

ЭЛ НАЗАРИ ТУШГАН

«Қайта қуриш» баҳонаси билан Ўзбекистонга, унинг халқига нисбатан бошланган хуружлар кечагидай ёдимизда. Маълумингизким, ушанда Марказ ва унинг жумҳуриятимиздаги ижрочилари томонидан кўрилган «чоралар»дан энг кўп жабрланган Жиззах вилояти, унинг меҳнат аҳли бўлди: азбаройи Шароф Рашидовнинг она юрти эканлиги учун ҳам асоссиз равишда, зўрмазўраки тугатилиб, Сирдарё вилоятига қўшиб юборилди. Фақат шунинг ўзидан кўрилган моддий зарар юзлаб миллион сўмлар билан ўлчанди. Етказилган маънавий зиённинг ўлчовини топишга инсон ожизлик қилади.

Ўша пайтдаёқ Ислом Абдуғаниевич Каримов бу фожиавий бебошликдан Қашқадарё вилоятини, Фарғона водийсини сақлаб қолганлигидан ҳамманинг хабари бор. Жумҳуриятга раҳбар бўлиб келгандан кейин эса Жиззах мудофотини ҳалокат ботқоғидан қутқазди. Ҳар иккила вилоятни — Жиззахни ҳам, Сирдарёни ҳам тараққиёт йўлига олиб чиқди. Бунинг иқтисодий фойдаси қанчалик катта бўлганлигини матбуот кўп марта ёзди.

Жиззахликлар кўксини тоғдай кўтарган яна бир нарса атоқли ёзувчи ва давлат арбоби, ҳамюртимиз Шароф Рашидов қадриятининг тикланишидир. Бунинг учун биз биринчи галда зиёлиларимиздан, Ислом Абдуғаниевичдан миннатдормиз.

Фақат жиззахликлар эмас, жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган барча миллатлар ва элатлар, жамики меҳнаткашлар кейинги йилларда қадриятларимизнинг, миллий маданиятимизнинг, анъаналаримизнинг, азалий урф-одатларимизнинг қайта тикланаётганлигига гувоҳ. Наврўзнинг, Рўза ҳайитининг расман байрам қилиниши ва дам олиш кунига айлантирилиши — буларнинг ҳаммаси шахсан Ислом Каримовнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Жиззах районида «Қўшчинор» номи билан аталадиган масжид бор. У азалдан ота-боболаримизнинг табаррук қадамжойи бўлиб келган. Биргина шу масканнинг ўзи неча авлодларни эзгуликка етакловчи тарбия ўчоғи ўрнини босган. «Ўн олтинчи пленум» номи билан «машҳур» анжумандан кейин собиқ айрим раҳбарларнинг топшириғига кўра ана шу масжидни таъмирлаб берганликда айбланиб, партия ва шўро ходимларидан 28 кишига чора кўрилганди, улар ишлаб турган лавозимларидан бўшатилгандилар.

Худди шундай жазо чоралари вилоятимизнинг Жиззах шаҳри, Ғаллаорол ва Зомин районларида халқ талаби билан масжид қурдирган ёки таъмирлаган кишиларга нисбатан ҳам кўрилди. Бу баъзи кишиларнинг ноҳақ жазоланишигина саналмайди, аксинча — қадриятларимизни оёқ ости қилган ана шу жоҳиллик туфайли бутун бир халқ қалбининг жароҳатланиши, топталиши, мафкурамизу тарбиямизнинг издан чиқиши эди. Ислом Абдуғаниевич халқимиз қалбининг худди ана шу нозиклигини вақтида пайқаб етди ва уни ардоқлади. Айни пайтда фақат «Қўшчинор» эмас, фақат Ғаллаорол ва Зоминда эмас, балки вилоятимизнинг ҳамма жойларида масжидлар обод қилиниб, диндорлар билан ўзвий ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Бугун Президентнинг айнан меҳнаткаш инсон манфаатини ҳимоя қилувчи халқпарвар фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг бу фармонларни амалга ошириш юзасидан чиқарган қарорлари ҳаётий самарасини кўрсатмоқда. Ушбу фармонлар асосида бизнинг вилоятимизда кам таъминланган оилалар, кўп болали ва даволанишга муҳтож оналар, уруш ногиронларию қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар, ўқувчи ва студентлар ҳукумат томонидан ижтимоий ҳимояга олинди. Бугунгача вилоятда 7,5 минг хонадонга уй-жой қуриш ва томорқа хўжалигини ривожлантириш учун 24 минг гектар ер ажратилди, 4.500 бош чорва моллари берилди, ем-хашак билан таъминланмоқда, 30 минг қўй, 7 минг чўчқа, 45000 товуқ, қурилиш ашёлари етказиб берилмоқда. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ўқитувчилардан 5.336 кишига яшаб турган уйлари хусусий мулк қилиб берилди. Аҳолини мол-маҳсулотлар билан узилишсиз, аниқ маромда, белгиланган миқдорда таъминлаб бориш, озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмоли молларининг четга чиқиб кетишига йўл қўймаслик сингари тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Вақти-вақти билан ярмаркалар уюштириб турибмиз. Бу эса ҳозирги танглик пайтида таъминот маромини сақлаш имкониятини бермоқда.

Вилоятимизда жумҳурият президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинглар бўлиб ўтмоқда. Меҳнат жамоалари, барча меҳнаткашлари мазкур номзод учун овоз беришга ҳоҳиш билдирмоқдалар. Уларнинг бундай юксак ишончу ҳурматига Президентимизнинг халқпарварлиги, ишбилармонлиги сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат, бозор муносабатларига кўчиш даврининг ҳозирги мураккаб шароитида, Ўзбекистон Республикасининг чинакам мустақиллигига эришиш ва уни мустаҳкамлашда бизга иқтисодиётни, молиявий масалаларни зўр биладиган, айниқса ташқи иқтисодий алоқаларнинг пухта йўлга қўйилишини таъминловчи, бу ишларнинг ҳаммасини халқнинг туб манфаатларига хизмат эттира оладиган президент керак. Вилоятимиз аҳли Ислом Абдуғаниевичда худди ана шу хислату хусусиятларни яққол кўриб турибди. Унинг турли миллатлар дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш асосида республикада осойишталикни, ҳамжиҳатликни, ишончни таъминлаш йўлида олиб бораётган жонбозликларини чўлқуварлар яхши билишади.

Шунинг учун ҳам жиззахликлар 29 декабрь куни И. А. Каримов номзоди учун овоз беришларига ишончимиз комил.

У. ОЛИМОВ,
халқ депутатлари Жиззах вилоят совети ижроия комитетининг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Янгийўлдаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида миллий мутахассислар ҳамкорлигида янги техника амалиётга жорий этилганлиги, эски дастгоҳлар эса рисоладагидек созланганлиги натижасида маҳсулот тури юз фоиз янгиланди. Бу ерда йил бошидан буён белгиланганидан 32 минг жуфтдан знёд болалар оёқ кийими тайёрланиб, савдо шохобчаларига тарқатилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Цех бошлиғи Собир Алимов (чапдан) ва оператор Аҳмаджон Нишоналиев. 2. Тикув цехида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

ЯКДИЛЛИК БОИСИ

Олтиариқлик савдо ходимлари ва ишбилармонлар «Эрк» демократик фирқасининг жумҳурият президентлигига номзоди — Муҳаммад Солиҳнинг жамоат арбоби ва шоир сифатидаги катта хизматларини қадрлаган ҳолда бўлажак сайловларда Ислом Каримов номзоди учун якдиллик билан овоз беришга қарор қилдилар. Нега? Сайловлар тобора яқинлашаётган сари бу саволга исботли жавоб беришга тўғри келади.

Ўзбек халқи қадимдан эл кўрган, иш билган, савдогар халқ. Афсуски нобоп тузум фақат ишбилармонни эмас, балки узоқ йиллар давомида бутун халқнинг қўли ва кўзини боғлаб келди, уринганни панжарага тиқди. Шукур, Ислом Каримовнинг жасоратли уринишлари туфайли жумҳурият, халқ, қолаверса ўзбек ишбилармонлари ҳозирча тетапоя бўлса ҳам эмин-эркин ҳаракат қилмоқдалар.

Биргина районимиз матлубот уюшмаси мисолида шуни айтиш мумкин: 1991 йилнинг ўзида бизда Туркия билан ҳамкорликдаги «Оскад» ва Канада билан «Лиа» қўшма корхоналари очилди. Мақсад истеъмол бозорини мол билан тўлдиришдан иборат.

Қарангки, бу ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Кейинги бир йил ичидаёқ районимизда немис асбоб-ускуналари ўрнатилган нон цехи, қандолат маҳсулотлари корхонаси, япон тўқув дастгоҳлари ўрнатилган «Шаҳноз» фабрикаси ишга туширилди. Хориждан ғишт ишлаб чиқарувчи ўнта цехни олиб келиш арафасидамиз. Мен Маккаи Мадинага ҳажга, қўшма корхоналар муаммолари бўйича Туркия ва Фарангистонга сафарга борганимда хорижда ажойиб ўзбек тижоратчилари кўп эканликларига амин бўлдим. Улар мустақил қадам ташлаётган жумҳуриятимизни ўз юртларининг ҳақиқий ватанпарварлари сифатида арзон хом ашё базасидан йирик индустриал, бой ва обрўли давлатга айлантиришга албатта ҳисса қўшадилар, деб ўйлайман. Ислом Абдуғаниевич шу боисдан ҳам ватандошлар билан яқиндан мулоқот олиб бормоқда, уларнинг ташаббусларини рағбатлантирмоқда.

Тўғри, ҳозирча аҳволимиз мақтагулик эмас. Пулнинг қадрсизланиши, иқтисодий муносабатларнинг бузилиши истеъмол бозорини қуритиб қўйди. Лекин юриб кўраяпмиз — Москвада нима гап-у Петербургда қандай аҳвол хукм сураётганини. Тақосланса, худога шукурки, биз ҳалиям жаннатда яшаяпмиз. Бозорларимиз бой, магазинларимизда мол-маҳсулот бор. Бу Президентимиз И. Каримовнинг узоқни кўриб олиб бораётган сиёсати туфайлидир. Жумҳурият Вазирлар маҳкамасининг 59-сонли қарори билан ҳар бир киши доимий озиқ-овқат улушига эга бўлди, келин-куёвларга имтиёзлар яратилди. Мавжуд товарлар ташқарига чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида купон тартибига ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Эркинлик шабадасидан нафас олаётган районимиз тижоратчилари йилнинг ўтган даврида ажратилган фондларга қараб турганлари йўқ. Четдан қарийб 10 миллион сўмлик ун, гуруч, гўшт, тухум, чой, картошка ва бошқа саноат моллари олдик. Келгусида таъминотни янада яхшилаш тадбирларини кўраяпмиз.

Жумҳуриятимизда кейинги пайтда шахсан И. Каримовнинг ғамхўрлиги туфайли ёлғиз, боқувчисиз кишилар, кам даромадли оилалар ижтимоий муҳофаза остига олинмоқдалар. Бизда ҳам «Саҳоват» хайрия уюшмаси ташкил этилган бўлиб, ўтган қисқа вақт ичида шундай оилалар ва масжидларга 1 миллион 200 минг сўмликдан ортиқ ёрдам кўрсатдик. Олинган фойдадан районимиздаги якка-ёлғизлар учун ташкил этиладиган бепул тушликни ҳам маблағ билан таъминлашга кўмак бермоқчимиз.

Шубҳасизки, ерию сувига, табиий бойликларию ўз ҳуқуқига эга бўлган серқуёш жумҳуриятимиз қисқа вақтда мавжуд қийинчиликларни ортда қолдиради. Бу, албатта, Ўзбекистоннинг кейинги тақдирини кимнинг қўлига топшириш билан бевосита боғлиқ. Республикамизни ёруғ йўлга халқпарвар раҳбар, етук сиёсий арбоб Ислом Абдуғаниевич Каримов олиб чиқади, деб ўйлайман. Шу боис олтиариқлик савдо ходимлари унинг номзоди учун якдиллик билан овоз берадилар.

Қодиржон ИБРОҲИМОВ,
Фарғона вилояти Олтиариқ райони матлубот уюшмаси бошқарувининг раиси, район совети депутати.

НОМЗОД ҲАҚИДА СЎЗ

Ушанда 1985 йилнинг ёзи эди. Газеталарда радиода совет қўшинларининг Афғонистондаги «озодлик» ҳаракати ҳақида тинмай ёзишар, гапиришарди. Ёшлик эканми, бундай кўтаринкилликдан бошим айланиб, ҳарбий комиссариатга ариза топширдим. Сўнг хайрлашиш учун Муҳаммад Солиҳникига йўл олдим.

— Нима иш қилаётганингизни биласизми! — деганди ўшанда Солиҳ ака. — Сиз уйида тинчгина ўтирган, ўз урф-одати, динига амал қилиб яшаётган бир халқнинг устига босқинчилик қилиш учун борасиз. Бу ерда инсонийлик йўқ, фақат ваҳшийлик бор. Агар мени десангиз, аризани қайтариб олинг. Сиз қотил эмассиз!

Ушанда устоз мени бир офатдан қутқариб қолганди. Бундай яхшиликларни у киши ҳаётимда кўп бора такрорлаган. Лекин айнан ушбу воқеани мисол қилиб кўрсатишимдан мақсад шуки, кейинчалик Қуръони каримдаги «Ер юзидаги жаъми мўминлар биродарлардир», «ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак» каби оятларни ўқиб, қанчалик катта гуноҳдан сақланиб қолганлигимни англадим.

Қолаверса, бугун ҳаммамиз бир бўлиб мустақиллик учун курашишимиз кераклигини тушуниб етганимдан мамнунман. Бундан ташқари Муҳаммад Солиҳдай ўзлигимизни улуғловчи, дунёвий сиёсатда оқу қорани тушунадиган, халқимиз кўзини бўлиб туғилган фарзанд кераклигини янада чуқурроқ ҳис этганимдан бахтиёрман.

Муҳаммад ИСМОИЛ,
шоир.

БОБОЛАРИМИЗ РУҲИ МАДАДКОР БЎЛСИН

Биз, енгил саноат ходимлари бугунги иқтисодий танглик даврида аввалгидан кўра ҳамжиҳат, тадбиркор бўлишимиз зарурлигини чуқур тушунамиз. Чунки дастлабки кунларданоқ ўзига демократияни бош мезон қилиб олган ёш мустақил республикамизни бутун дунё кузатиб турибди.

Ҳурматли Ислом Каримов! Бўлажак сайловда 30-Трикотаж округи аҳолиси Сизнинг номзодингизни қувватлаган ҳолда овоз берадилар, деб ишонч билдирамиз. Сизга миллатимиз оғирини енгил қилиб, ватанимизни дунёнинг тараққиёт давлатлари сафига қўшишдек эзгу ишларингизда улуғ боболаримизнинг руҳлари мададкор бўлсин.

Х. АБДУЛҲАКИМОВ,
Андижон трикотаж фабрикаси директорининг ўринбосари, вилоят совети депутати.

СИЗ КИМНИ ЁҚЛАЙСИЗ?

САЙЛОВ УЧАСТКАСИДАН РЕПОРТАЖ

Давр ўзгарди, одамлар ҳам. Турғунлик йилларининг сайловлари ортда қолди. Кишиларни лоқайдлик, беписарволик, ҳайбаракаллачилик қусурлари ларк этаяпти. Ўзбекистон Президенти сайловига тараддуд ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Энди сайловчиларнинг етти ўлчаб бир кесиш қабилида иш тутаётганлари бор гап. Мухбиримизнинг Андижон тиббиёт олий билимгоҳида жойлашган 66-сайлов участкасидан йўллаган репортажи ана шу ҳақда.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Сайлов участкасига талабаларнинг фаоллигини ўйлаб кўп нарсанинг умиди билан киргандик. Ҳолбуки, бунинг акси бўлиб чиқди. Тарғибот хонаси деярли ҳувиллаб турибди. Сайлов, референдумга оид ҳужжатлар учун папкалар хўжакўрсинга қилинган экан, холос. Унинг ичини очсангиз, турли хил аризаларни ўқиб лол бўлиб қоласиз.

Навбатчи Ҳамида Зулфуқорова дилидагини айтди:

— Уч кундан буён шу ердаман. Лекин деярли ҳеч ким бирор юмуш ёки маслаҳат билан ташриф буюргани йўқ. Лекин, ёлғон бўлмасин, тарғиботчилар сайловчилар рўйхатини олиб келишаяпти.

Инкор этиш қийин. Тараддуднинг дастлабки ишлари бошланган, аммо ишлар ўрнидан секин силжияпти. Биз тарғибот марказидан хайрли ишларнинг жонланиб кетишига умид билан чиқдик. Дастлабки учрашган талабага савол бердик:

— Республика президенти сайлови куни кимни ёқлайсиз?

Козимжон Холиқов, педиатрия куллиёти 2-курс толиби:

— Ўзбекистонимиз оғир иқтисодий таҳлиликни бошидан кечираётган кезда уни боши берк кўчадан олиб чиқиб кетадиган раҳбар Ислом Каримов деб биламан. Яна номзоднинг бугунги мавқеига нисбатан лагбардорлик деб ўйламанг. Бундай хусусият табиатимга ёт. Ҳақиқатан ҳам у киши иқтисодий, маънавий етуклиги, қатъиятлилигини амалда кўрсатаяпти.

Рустамжон Убайдуллаев, анатомия кафедраси ўқитувчиси:

— Ҳали бир қарорга келганим йўқ.

— Нима учун?

— Ислом Абдуғаниевич лаёқатли раҳбар, лекин ҳозирги яшаш шароитимизни кўраяпсиз-ку, тобора қийинлашиб бораяпти. Қолаверса, Президентимиз йўл қўйган хатолардан кўз юмиб бўлмайди. Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистондай катта жумҳуриятни бошқара оларми, тажрибасизлик қилиб қолмайдими? Ахир, бугунги кунинг тошу тарозиси ўзгача.

Доно Эшонова, даволаш куллиёти 3-курс талабаси:

— Очиғини айта қолай, Муҳаммад Солиҳ номзодига овоз бераман. Сабаби — у нафақат шоир, балки ўткир сиёсий раҳбар, ташкилотчи инсон. Ахир у миллий озодлик ҳаракатида иштирок этган қаҳрамонларимизни, унутилган қадриятларимизни тиклаш учун озмунча жон қуйдираяптими? Номзоднинг ҳаракат дастури билан танишгач, танланган йўлим тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Зулфия Ҳожибуллаева, даволаш куллиёти талабаси:

— Муҳаммад Солиҳ учун овоз бераман.

— Нега?

— Талабалар шундай дейишаяпти-ку.

— Шахсий фикрингиз йўқми?

— ...

Иккиланиш, мулоҳаза қилиш давом этаётир. Аммо айрим сайловчилар ҳали ҳам қатъий фикрга келиб олишмаяпти. Сайловга эса саноқли кунлар қолди. Яна шуниси аёнки, элнинг дарди, ташвишини елкасига оладиган номзодгина дилга ёғду солади.

Фозилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Самарқанд вилоятидаги Ингичка кон бошқармасига қарашли 2-шахта ишчиларининг умумий йиғилиши бўлди. Бошқарма директори Б. Х. Раҳимов жумҳуриятимизда ўтказилажак президент сайлови ва референдум хусусида фикр юритиб, шундай деди:

—Мен сизларни жумҳурият президентлигига халқ демократик партиясидан кўрсатилган И. А. Каримов номзодини ёқлаб овоз беришга чақираман.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам анжуман аҳлини сайловда И. А. Каримов номзодини ва жумҳуриятимиз тўла мустақиллигини ёқлаб овоз беришга даъват этдилар.

Вилоят газлаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2 минг кишилик жамоаси ҳам сайлов ва референдумга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Яқинда корхонада бўлган йиғилишда шу ҳақда атрофлича фикр юритилди. Президентликка ҳар иккала номзоднинг таржимаи ҳоли сўзлаб берилди. Йиғилишда сўзга чиққан монтажчи Р. Расулов, Пахтачи район газлаштириш идораси бошлиғи Т. Аҳмедов, вилоят газлаштириш бирлашмаси бошлиғи М. Молотов ва бошқалар И. А. Каримов номзодини ёқлаб гапирдилар. Шунингдек, улар барчани жумҳуриятимизнинг тўла мустақиллиги учун овоз беришга чақирдилар.

Ўзбекистон «Эрк» демократик партияси Булунғур район кенгаши таъсис анжумани иштирокчилари жумҳурият президентлигига кўрсатилган Муҳаммад Солиҳ номзодини кўллаб-қувватлаб гапирдилар.

Нотиқлар И. Муртазоев, Т. Ғаффоров, Т. Маликов, Муҳаммад Солиҳнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти жумҳуриятимиз мустақиллиги эл-юрт фаровонлигига қаратилганини таъкидладилар.

Ҳабиб ТЕМИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК—МОДДИЙ ҲИМОЯЧИ

БАЛИҚЧИ. «КПСС XXV съезди» жамоа хўжалигининг Юсупжон Уроқов бригадаси дала шийпонида ёрдамчи хўжалик ташкил этилди.

БРИГАДА оқсоқоллари маслаҳатлашиб жамоа хўжалиги кассасидан 19 минг сўм қарз олишди. Бу пулга Қирғизистоннинг қўшни районларидан 9 бош новвос, икки бош сигир, 5 бош қўй харид қилинди. Нарх-наво кун сайин кўтарилиб бораётган бир пайтда ёрдамчи хўжаликдан келган даромад ҳисобига деҳқонларни моддий ҳимоя қилишга келишилди.

И. ЭГАМНАЗАРОВ.

САБР КОСАСИ ТЎЛГАНДА

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ АЛОҚА ВАЗИРИ КОМИЛЖОН РАҲИМОВГА ОЧИҚ ХАТ

Муҳтарам Комилжон Раҳимович! Аввало муовинингизга бир неча бор, қолаверса, шахсан ўзингизга мактуб орқали мурожаат этдим. Лекин на Сиздан, на муовинингиздан бирон оғиз ширин сўз, инсон қадриятига лойиқ бирон луқма эшитганим ёки икки энлик хат олганим йўқ. Не-не машаққатлар билан Сизнинг номингизга ёзган уч саҳифалик арзи ҳолимга Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш бирлашмасидан ушбу қуруқ мактубни олдим:

«Сизни(нг) Комилжон Раҳимович Раҳимов номига ёзган 34-98-50 рақамлик телефонингиз ёмон ишлаётганлиги тўғрисидаги хатингиз Тошкент шаҳар бирлашмасининг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилди. Чора кўрилиб, телефонингиз ишга туширилди.

Бош муҳандис

У. Х. ХОЛМАТОВ».

Қани инсоф, қани диёнат, қани арзи ҳолчига ҳурмат! Аввало вазир жаноблари имзо чекишга лойиқ топмаган бўлсалар, ҳеч бўлмаса ўша «кулиб чиққан» раҳбарлар имзо чекмайдими? Қолаверса, арзномада баён этилган бошқа масалаларчи?

Халқ Сизнинг ҳузурингизга иш тополмаганидан, бекорчилигидан бормайди ёки арзи ҳол ёзиб юбормайди. Вазирлик ва унинг тасарруфидаги муассасалар ўз вазифаларини ўринлатиб адо этаолмаганлари ёки адо этишни истамаётганларидан, сарсон-саргардон бўла-бўла нажот тополмаганидан, яъни ноилоҳликдан боради ёки арзнома орқали мурожаат этади. Сизлар эса ундай одамларни ёқтирмайсизлар, уларни «ёзувчи» деб киноя қиласизлар. Лекин бизнинг фикри ожизимизча Сизлар ўз хизмат бурчларингизни кераклигича адо этмаяпсизлар, халқ ишончини оқламаяпсизлар. Чунки телефон алоқаси ҳам, почта хизмати ҳам, радио алоқаси ҳам йилдан йилга таназзулга юз тутаяпти. Арзи ҳол айтувчилар сони кун сайин ортиб бораяпти.

Навбатнинг аввалини телефон хусусида юритсак. Мазкур соҳа ниҳоят даражада ишдан чиқаяпти. Шаҳар ичида бири-бири билан уланиш амри маҳол, айюҳаннос солгудек. паллага келди. Аввало телефонда уланиш мушкул, шаҳар телефонларида бири-бири билан мутлақо уланолмайдиган АТСлар мавжуд. Масалан, 62—33, 34, 39 билан, 39—48 билан, 34, 56 ва 46 билан, 52—33, 34 лар билан ва ҳоказо... Мазкур номерлар бири бири билан уланмайди, уланган тақдирда эса эшитилиш даражаси ниҳоятда паст. Бир сўзни 3-4 қайта такрорлаб, «Ҳа» деганда «А, нима? Нима дедингиз?» деган гапларни такрорлаш билан кунингиз ўтади. Ёки қаттиқроқ гапиринг, телефон трубкасига гапиринг, деган сўзлар одат тусига кириб қолган.

Аввалларидан оддий фуқароларнинг телефонларига хос бундай аҳвол эндиликда ҳукумат телефонларида ҳам содир бўлаяпти.

— Уйда оилам бетоб, — деб шикоят қилди бир дўстим. — Кунлар билан кўнглим ғаш. Телефон орқали ҳолаҳвол сўрай десам 48 га ҳеч тушолмайман. Бу қандай бедодлик ахир. Доимий кўнгил ғашлик, ахир бу аҳвол иш сифатига таъсир қилмай иложи йўқ.

Энди ўз бошимдан ўтган ажойиботларни қисқа шарҳлай.

Асримизнинг етмишинчи йилларида жонимиз роҳатда эди. 33 билан бошланувчи (33-76-71) телефонга эга эдик. 7-8 йил ҳузур-ҳаловатда умр кечирдик. Кунларнинг бирида телефонимиз ҳа деганда тиқир-тиқир қилаверди. Тўзатишнинг иложи бўлмади. Кейин хабар топсак на ҳе бор, на бе бор, номеримизни 32 га алмаштиришаётган экан.

— Э воҳ! Бизнинг номеримиз кимга керак экану алоқа ходимлари кимнинг кўнглини овламоқчи бўлишгани ҳануз жумбоқ!

Ўшандан эътиборан бесаранжомлик бошланди. Телефонимиз бузулаверди, бир кун ишласа уч кун ишламади, уч кун ишласа бир ҳафта ишдан чиқаверди. Арзи ҳол, арзи дод давом этаверди.

Алоқа хизматчилари бизга марҳамат қилиб номеримизни 35 га ўзгартиришди. Лекин янги бу севинч ҳам кўпга бормади, яна арзи дод!

Орадан йиллар, ойлар ўтиб, яна тиқир-тиқир бошланди. Тағин янги номер бўлса керак дедик, тахминимиз ҳақ бўлиб чиқди. Энди 34 га ўзгартиришди. Суриштириб билсак, блакиатор ўрнатишаётганмиш. Бу дегани қўшни билан шерикчиликка ўтаётганмишмиз. Биз гаплашганда, улар, улар гаплашганда биз сабр қилиб турармишмиз. Халқимизнинг шериклик ошни ит ичмас, деган нақли ёдимга тушди. Вазир муовини ҳузурига бордим (исми шарифлари Исломов бўлса керак).

— Узоқни яқин, мушкулни осон қиладиган телефон бизнинг бошимизга битган бало бўлди-ку, — дедим.

— Ие, нега бундай дейсиз? Арзчилар кўп эмас.

— Худо хайрингизни бersин, шу ишни қилманг. Аввало мен журналистман, қолаверса кинематографиячилар уюшмасида кино таълими арбоблари бошқармасининг раисиман. Бизга телефон бот-бот керак бўлиб туради. Шу ишни қилманг.

— Вой, жуда қизиқ экансизку, неча-неча одамларнинг ўзлари келиб блакиатор қўйишимизни илтимос қилишаяпти.

— Барака топинг, ҳозирча ўша сўраганларнинг телефонларини жуфтлаб турсангиз...

Вазир муовинининг гапи амалга ошди.

Шундан кейин ора кунда телефон ишламайдиган бўлиб қолди. Ҳали улар бизникига чиқишади, ҳали биз уларникига: жим-жит!

Ниҳоят яна тиқир-тиқир бошланди. Энди нима бўларкин? Энди яна номер ўзгарди. Ёки 34 нинг ўзи (34-89-50) бизники, 34-89-51 уларники).

Ҳақиқий томоша шундан кейин авжига чиқди. Бир пайт қарасак, бизнинг номерни берганлар уларникига, уларнинг номерини берганлар бизникига тушадиган бўлиб қолишди. Бу орада телефонингиз яна ўзгарибди, қутлуғ бўлсин, деб муборакбод қила бошлашди. Сўнг номеримизни сўраганларга ҳам 50 ни, ҳам 51 ни берадиган бўлдик.

Энди буниси бир куннинг ўзида ҳали ишлаб, ҳали ишламайди. Тирик жонмиз, гоҳида бировимизнинг тобимиз қочиб қолади, «Тез ёрдам» чақириш керак, ишхонага хабар қилиш зарур, кўчага — автоматга чопамиз. Қани энди автоматлар ҳам ишлай қолса: эринмай ҳисоблаб чиқдим, ишлаётган автоматлар сони ўндан бир ёки тўққиздан бирга тўғри келаркан. Қолганлари ишдан чиққан, навбат кутиб кунингиз ўтади. Янглишмасам 6-7 йил мобайнида телефонбузар ёки кўча аппарати ўғрилари пайдо бўлиб, кунига бирнеча телефон аппаратлари бузилади ёки ўғирланади. Халқимизда кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган нақл бор. Наҳотки кўзлари очиқ алоқа ходимлари кўра-била туриб ўнлаб, элликлаб, юзлаб телефонлар ишдан чиқса ёки йўқолсаю хотиржам ўтиравериш?! Бордию шу ҳол уларнинг хонадонида рўй бергудек бўлса йиллаб чидаб туришармиди? Албатта, йўқ. Ахир давлат мулкига шунчалар совуққонлик билан қараш, шу қадар бепарволик мақсадга мувофиқми? Наҳотки безорилар кирдикоридан Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги органлари бехабар қолишса? Ёки кўрабила туриб лоқайд қараш-са? Мен Сизга шу ҳақда ҳам хабар берганман. Лекин бу мактуб сувга чўккандек ғойиб бўлди. Энди мен Сиздан сўрамайман, бир фуқаро сифатида талаб қиламан: шунчалар асаб бузилгани, сарсонлик-саргардонлик етар. Блакиаторингиз ўзингизга сийлов, телефонимни ажратиб, унинг мунтазам ишини таъминлатиб беринг!

Иккинчи масала.

Давлат муассасалари ёки айрим шахслар томонидан юбориладиган хат-хабарлар жойларга кечикиб боради ёки мутлақо етиб бормайди. Оқибатда кўнгилсиз ҳодисалар рўй беради.

Ўтган йилнинг 27 ноябрида Энгельс кўчаси, 60-уйдан фалсафа илмий кенгашида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Одатда диссертация ёқловчи киши мазкур кенгаш аъзоларига, шунингдек турли ташкилотлар ва кутубхоналарга автореферат тарқатиши шарт. Автореферат маълум тартибда тузилган рўйхатга биноан почта орқали жўнатилади.

Минг афсуски, диссертация ёқланиши олдидан кенгашнинг бир неча аъзолари автореферат олмаганликлари, шу сабабли овоз бермасликларини айтишди. Бордию уларнинг талаби инобатга олингудек бўлса, ҳимоя қолдирилиши мумкин эди. Яхшики диссертант ҳужжатлари орасида почтадан рўйхат орқали юборилган ҳужжатнинг нусхаси бор экан, кенгаш раиси айб диссертация ёқловчи шахсда эмас, почтада эканини айтгач, даъвогарларга янгидан автореферат тарқатилиб, ҳимоя бошланди-ю, лекин кўнгил хижиллиги юз берди.

Бундай воқеалар ягона эмас.

Институтларнинг сиртдан ўқийдиган талабаларига ҳар ўқув сессияси олдидан юқоридагидек рўйхат орқали чақириқ қоғози юборилади. Афсуски, сессия бошлангач, жуда кўп студентлар чақириқ қоғози олмаганликларини айтиб, кечикиб келадилар. Тошкент давлат маданият институтида сақланаётган юзлаб аризалар даъвомизнинг далилидир.

Учинчи масала.

Дунёйи боумид дея радио ўрнатганмиз. Радиодан беминнатроқ дастёр бўлмаса керак (албатта, ишлаб турган чоғларида) — оила аъзоларини дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор қилиб туради. Лекин унинг ҳам бир кун овози чиқса, бир ҳафта бўғилади ёки мутлақо гунг бўлади қолади. Бу ҳам асаб бузишда телефондан қолишмаяпти.

Алоқа вазирлигини ҳам назорат қиладиган, унинг ҳам попугини пасайтириб қўядиган ташкилот борми? Меҳнаткаш арзидодига қулоқ соладиган, инсонни ўрнида кўриб муомала қиладиган вақтлар ҳам келармикин?

Муҳсин АЛИЕВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси, профессор.

Советобод шаҳар чарм-атторлик буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида чарм чиқиндиларидан тайёрланган сифатли маҳсулотларнинг ўзидан йилига 50 минг сўмдан ортиқ фойда олинаётир. Бундай ютуқлар корхонада изланувчанликка, ижодкорликка кенг йўл очилганлиги ва меҳнаткашларнинг жонбозликлари муносиб тақдирланаётганлигининг самарасидир.

СУРАТДА: моҳир тикувчи, шаҳар совети депутати Улфатхон Ураимохунова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

Тошкент ҳаёти

ЯХШИДАН БОҒ...

Йўғон чўзиладиган, ингичка узиладиган кунларда яшаяпмиз. Бундай шароитда бир оғиз ширин сўз, хайрли бир ҳаракат одамнинг кўнглини тоғдай кўтаради. Узгаларнинг зиғирдай яхшилиги дилингни равшан айлайди. Ахир ҳаётимиз биз ўйлаганчалик фақат қусурлардан, камчиликлардан иборат эмас-да. Унинг инсон қалбида ўчмас из қолдирувчи жиҳатлари ҳам кўп. Республикамиз пойтахтида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтказилаётганини эшитиб, аввало шу ҳақда ўйладим. Кўз ўнгимдан умумхалқ ҳашарларию, оммавий сафарбарликлар туфайли қурилган қатор нурбулоқлар, муҳташам бинолар, ҳайқириб оқаётган каналлар ўтди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ҳам нимаси билан-дир шундай хайрли ҳаракатга ҳамоҳанг эди. Хўш, бу муҳим тадбир Тошкентда қандай ўтмоқда, унинг бориши тегишли маҳкамаларни қаноатлантираяптими! Халқ депутатлари Тошкент шаҳар совети ижроия комитети раисининг муовини, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Маҳаммаджон Зоирович ЗУФАРОВ мухбиримизга шу ҳақда сўзлаб берди:

— Бундай тадбир республикамиз пойтахти аҳолиси учун янгилик эмас, албатта. Ў бир неча йиллардан буён шаклланиб, одамлар орасида ўзига кенг йўл топиб келмоқда. Фақат кейинги 2—3 йил ичида бу борада бироз танаффус қилишимизга тўғри келди. Яъни, Тошкентда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказмадик. Аммо барибир шаҳарликлар қараб туришгани йўқ: ўз яшаш жойларини обод қилиб, атроф муҳити тозалигини сақлаш, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиш билан ихтиёрий равишда шуғулланиб келишди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: одамлар ўз она шаҳарларининг гуллаб яшнашига бирдек бош қўшишса бунинг нимаси ёмон? Иқтисодий танглик бизнинг соҳамизга ҳам ўз таъсирини ўтказаяпти. Маблағ етишмаслиги, техниканинг камлиги оёққа тушов бўлмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида октябрь ойининг охирида бўлиб ўтган йиғилишда Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказиш тўғрисида қимматли мулоҳазалар билдирилди. Шунга мувофиқ шаҳар совети ижроия комитети 1 ноябрдан 1 январга қадар икки ойлик ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Тезда шаҳар штаби тузилди. Ҳар бир районда боғ ташкил этиш, кўчатлар экиш дастури ишлаб чиқилди.

Биласизми, энди мевали дарахтларни кўпайтирмоқчимиз. Икки ойлик давомида шаҳар ҳудудида 15 минг туп ана шундай дарахт кўчати ўтқазилади. Улар асосан туб миллат вакиллари истиқомат қиладиган маҳаллалар ичида, транспорт қатнови кам бўлган жойларда экилади. Яна 10 минг туп манзарали дарахт кўчати, 145 минг туп бута, 1 миллион донадан ортиқ кузги гул ўтқазилади. Дастурда ирригация шохобчаларини тозалаш, Навоий иншооти атрофидаги 1,2 гектар ерни кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштириш билан боғлиқ ишлар ҳам бор.

Гапнинг очиғи, бу тадбир ҳамшаҳарларимизни қаттиқ тўлқинлантирди. Ахир Тошкентни кўпчилик гуллар шаҳри, деб бежиз айтмайди. Шундай экан, у бу номга яраша бўлиши ҳам керак. Бунинг учун шаҳардаги меҳнат жамоалари, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари ҳам умум ишга ёрдам беришлари зарур. Икки ойлик бошлангандан буён Тошкент шаҳрида тўрт марта шанбалик ўтказилди. Собир Раҳимов, Киров, Куйбишев районларида штабнинг кўчма йиғилишлари бўлиб ўтди. Шанбаликларда ярим миллиондан зиёд аҳоли қатнашди. Бошқа ташкилотлар ҳисобидаги 180 та транспорт воситаси ва механизмлар ёрдамида 80 минг тоннадан кўпроқ чиқинди шаҳардан четга чиқариб ташланди. 1 минг 200 гектар ер тозаланиб, тартибга келтирилди. 261 километр ирригация шахобчаси, 1,75 километр қувурли кичик кўприклар, 36,4 километр канал тозаланди. Манзарали хосиятини йўқотган 1 минг 100 туп қуриган дарахтнинг ўрнига янги кўчатлар ўтказилди. 200265 минг квадрат метр йўл таъмирланиб, тартибга келтирилди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, қурувчиларнинг ва лойиҳачиларнинг шошма-шошарлик, пала-партишлик билан иш юритиб келишган. Шаҳарда 147 турар жой даҳаси ва мавзеси бор. Улардаги ирригация иншоотларининг учдан икки қисми яхши ишламайди ёки талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам ўтказилган дарахтлару экилган экинларнинг кўпчилиги қуриб қолаяпти. Уй-жойлар билан ирригация шахобчалари бир вақтда охирига етказиб топширилганида эди, бу муаммо тошкентликларни ташвишга солмаган бўларди. Ўтказаётган икки ойлигимиз халқимизнинг «Яхшидан боғ қолур, ёмондан доғ» деган мақолини эслатади. Келинг азизлар, кўчат ўтқазиб, боғ яратайлик. Тошкентнинг яшил либосини, тоза ҳавосини асрайлик.

Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТУЗАТИШ

Рўзноманинг шу йил 23 ноябрь сонида босилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддасидаги «Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин...» деган сўзлар «Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн кун олдин...» деб ўқилсин.

Қалам учида алам

ПАХТА БОРУ ЁҒ ЙЎҚ

Гулистон ёғ-экстракция заводи қаршисида озиқ-овқат дўкони жойлашган. Лекин унга кирсангиз, ўсимлик мойи тополмайсиз. Вилоят марказининг бошқа савдо шохобчаларида, умуман бутун Мирзачўлда ёғ топиш амри маҳол бўлиб қолди. Ажабланаяпсизми? Ахир, пахта бор-ку, ҳатто уни тайёрлаш режаси ошириб бажарилган, қизиғи шундаки, кундуз куни чироқ ёқиб ҳам пахта мойини тополмайсиз.

Бундай аҳвол сабаблари 12 йил олдин «режалаштирилган» эди. Кимнингдир миясига ёғ ишлаб чиқарадиган корхона қуришдек чиройли фикр келиб қолди. Лекин пахта мойи эмас, балки кунгабоқар ва соядан ёғ ишлаб чиқарадиган комбинат қуриш нияти туғилди. Бу фикрни қандай қилиб амалга ошириш керак: ажаб дунё экан. Пахта шундайгина ёнимизда турган бир пайтда сояни қаердан ҳам излаб топиб бўлади. Умуман Мирзачўлда уни кўрган киши бормикан? Кунгабоқар эса кўпинча шахсий хўжаликларда учрайди.

Завод 1979 йилда фойдаланишга топширилди. Бироқ ғамлаб қўйилган соя уруғлари узоққа етмади. Хом ашё ғамланган омбор бўшаб қолди, корхона ҳам тез орада тўхтайдиганга ўхшарди. Ана ўшанда нима қилишларини билмай чигит уруғини ишга солишди. Табиийки, чигит уруғини ишлашга мўлжалланмаган ускуналар панд бера бошлади. Уруғларга дастлабки ишлов берадиган янги участкалар қуришга тўғри келди. 1987 йилда ҳаммаси жойига тушгандек бўлди, ойига 3,5 минг тоннагача ёғ бера бошладилар.

Афсуски, яна фалокат бошланди. Чет элдан келтирилган ускуналар ишдан чиқа бошлади. Уни алмаштириш учун имконият йўқ эди. Чунки фирма билан тузилган шартнома муддати тугаган эди. Мана ҳозир ҳам завод лойиҳадаги қувватнинг атиги 60 фоизи миқдорида ишлаяпти, бинобарин, мабодо, у жиддий тарзда бузиладиган бўлса, умуман ишламай қўяди.

Заводнинг киши раҳмини келтирадиган тарихи шундай. Бугун корхона ходимлари ускуналарни қаердан топсак экан, дея бош қотириб ўтиришибди. Эҳтиёт қисмлар топиш мумкин. Лекин уни ҳам «Узпишчепром» концернига ёғ топшириш эвазига олса бўлади. Нима ҳам қилиша оларди, мол алмашишми-алмашиш-да. Ватанимизда ишлаб чиқарилган ускуналар ремонтига керакли маблағларни ажратиш учун техникавий-иқтисодий далил-исботлар тайёрланмоқда. Хуллас, заводдагилар бундай аҳволдан қутулиш йўлини излашмоқда. Муҳими — эски хатоларни такрорламасликда, истеъмолчи эса хоҳлаган вақтида ўсимлик мойини бемалол сотиб олишида...

Г. ОГОРОДОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Хорижга очилган эшиклар

— Ёқуб ака, энг аввало «Озодлик» радиостанцияси ҳақида маълумот берсангиз. Гарчи бугунги кунда ижодкорзиёлиларимизнинг бир қисми унинг эшиттиришларидан хабардор бўлса-да, кўпчилик...

— Тўғри, кўпчилик бохабар эмас. Бу — табиий. Бир кечаю кундузда бир соатлик эшиттириш нимаям бўларди! Қолаверса, советлар томонидан «Озодлик» радиостанцияси эшиттиришларини «бўғиш» фақат 1988 йилнинг ноябрига келиб тўхтатилди. Унгача, эҳҳе... қандай тўсиқлар ўйлаб топилмади, халқни чалғитиш учун не бўҳтонлар тарқатилмади!

«Ғаним ва душман радио» деб тинимсиз қораловлардан қулоқлар қоматга келди

Ниҳоят, мана ошкоралик, демократия, қайта қуриш даври сиёсати амалга ошгандан кейин улар ўзлари ҳам тушунишдики, дунё ёпиқ шаклда қолмасканд, халқларда эркин сўзлашишга эҳтиёж бўлса уларни доимий равишда бўғиш мумкин эмас экан.

Энди «Озодлик» радиостанцияси ҳақидаги маълумотларга келсак...

У Америка Қўшма Штатлари конгресси томонидан маблағ билан таъминланган мустақил радиостанциядир Унинг ғояси, мақсади: халқлараро эркин фикр алмашиш ва улар орасида дунёда тинчлик ўрнатиш учун демократияни, айниқса, Совет Иттифоқида эркин фикрлашни кучайтириш, мустаҳкамлаш ва ишонч туғдириш. Ва мумкин қадар тўғри, ҳақиқий, ҳақиқатга асосланган манбалардан маълумотлар олиб, тингловчиларга етказиш.

«Озодлик» радиоси ҳеч қачон ҳеч бир шахс, ҳеч бир гуруҳ, партия, тузумнинг тарафини олмаган ва олмоқчи ҳам эмас. Ва шундай тарафсизлик фаолиятини давом эттиради. Шу йўлда олиб борган ишлари билан фахрланади. Чунки бетарафлик билан қанча ҳақ фикрни, эркин маълумотни тарқатсангиз, халқ сизга шунча ишонади.

«Озодлик» радиостанцияси 22 тилда эшиттириш олиб боради. Ўрис тилида 24, қолган тилларда 1—2 соатдан..

— Муштарийларимизни кўпроқ ўзбек шўъбаси фаолияти қизиқтириши табиий

— Албатта. Ўзбек шўъбасида ўн бир киши ишлайди. Муҳаррирлар, таржимонлар, мухбирлар, техник муҳаррирлар... Дастурларимизни биринчи галда Ўзбекистонда яшаётган ўзбеклар қизиқишини ҳисобга олган ҳолда тузамиз. Аммо бу эшиттиришларимиз сарҳаддан ташқарида ҳаёт кечираётган ўзбекларга дахлдор эмас, деган фикрни билдирмайди. Инсон ҳамма жойда инсон. Ўзбек ҳамма жойда ўзбек! Барчасининг ҳоҳиш-истакларини инобатга олмаслик мақсадга мувофиқ эмас.

Халқимиз нима истайди, ўз ватанида туриб нималарни билмайди, унинг тақдирига доир нималар сир тутилмоқда, қандай ҳақиқатдан бехабар?... Дунёнинг қай нуқтасида не воқеалар юз берди? Янгиликлар. Хабарлар... Биз ҳамма-ҳамма нарса билан қизиқамиз ва аниқтиниқ маълумотлар асосида эшиттиришлар тайёрлаймиз.

— Айтайлик, Ўзбекистонда кечмиш бирор ҳодисани марказий матбуот бузиб талқин этади. «Озодлик» радиоси тез ва ҳеч оғишмай ўз гайтида хабар беради. Бунинг сири нимада! Наҳотки шунчалик тез ва аниқ ишласаларингиз!

— Ҳа, шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Воқеалар бузиб талқин этилса, кеч хабар қилинса — бунинг халққа қизиғи йўқ. Дунё аҳлига ҳам керак эмас! Сири оддий — асл манба ва ишчанлик!

— Ёқуб ака, мана Ўзбекистон аҳволи билан танишибсиз. Ўзбекистон бухронда... Сизнинг-ча, кўпроқ нималарга эътибор бериш керак!

— Азимжон, биринчи галда халқда тўла мустақилликка ишонч руҳи барқарор бўлиши лозим. Шусиз ишлар юришмайди. Ишонч эса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ўзбекистонни иккинчи қўл идора қилмаслиги шарт! Буни халқнинг ўзи кўриб туриши керак. Назаримда, энди ўзбек халқини алдаш мумкин эмас...

Иккинчидан, иқтисодий режаларни жасорат билан тузиш зарур. Хавфсираш, шубҳа, ваҳима, қўрқиш келажакни барбод қилиши мумкин. Халқимизнинг буюк ўтмиши, тарихи бор! Демак, буюк тажрибаси бор! Халқ ҳаётини қайта яратишда сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий, аҳлоқий «қайта қуриш»да ана шу чўнг тажрибага суяниш ўта муҳимдир! Қаранг, Ифриқодаги кичик бир давлатки мустақиллик йўлига кириб, ўзини тутиб олди... Ўзбекистонга нима бўлди? Тўғри, бир аср нари-бери сидаги империячилик жуда мудҳиш вазиятни келтириб чиқаради, аммо бу дегани — Ўзбекистон тамом, Туркистон тамом дегани эмас! Ўзбек тамом дегани эмас! Марказдан бошқаришни тамоман тугатиш табиий зарурият бўлиб келаётибди. Ер ислоҳоти ўтказиш зарурияти айланаётибди. Ўзбекистонни ташқи дунёга танитиш ва ташқи дунёдан-да ўрганиб тараққий эттириш, ривож йўлига бошлаш лозимдир!

Ана, 20—30 йилларда, айтишим мумкинки, ўзбек халқининг энг асл зиёлилари, диндорлари, ҳунармандлари, дониш тожир-савдогарлари, Ўзбекистондан четда туриб бўлса ҳам, курашни давом эттириш учун чиқиб кетдилар. Бу ерда қолиб курашишнинг иложи қолмаганидан кейин шундай қилишди. Аммо улар ўзлари билан ақлдан бошқа ҳеч нарса олиб кетишгани йўқ. Ҳунарни, тажрибани, билимни, ишни олиб кетдилар. Афғонистоннинг жанубий ҳудудларида жойлашишди. У ерларда ҳам асли ўзбеклар яшашарди. Нима бор эди ўша жойларда. Ҳеч нима. Борганлар яратишди! Ерликлар билан биргаликда яратишди! Қўли гул, дили гул эди бу ўзбекларнинг! Бир гап билан айтсам, ҳайрон қолманг, Азимжон: афғон қардошга чопон, маҳси-калиш тикишни ҳам ўргатган ана шу муҳожир ўзбек бўлади.

Бу муҳожирларнинг бир қисми Афғонистондан Арабистонга ўтди. Сахроларни ўзлаштирди. Экин-тикинларни мўл-кўл қилди. Бадавийларни маданийлаштиришга катта улуш қўшди. Туркия, Америкага кетдилар. Америкаликлар ҳеч кимни қучоқ очиб кутиб олганлари йўқ. Ўз ақли, меҳнати самараси ўлароқ бойидилар бу ўзбеклар. Албатта, оғир йилларда ўз юртларидан жой бергани барча давлатлардан миннатдормиз, уларга ҳурматимиз чексиз, лекин ўзбек халқи меҳнаткашлигига, ҳунари, ақлига ҳам қойил қолмасдан илож йўқ. Буни айтмасдан иложимиз йўқ! Нега шундай халқнинг асл Ватани — Ўзбекистон буҳрондан чиқиб кетолмас экан?.. Икки-уч йилда чиқиб кетади! Фақат орқага йўл йўқлигини ҳамма-ҳамма миллатдошлар билишлари керак!

— Қизғин гапларингиз учун ташаккур. Президентимиз билан учрашибсиз...

— Ҳа, Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислом Каримов қимматли вақтларини ажратиб, мени қабул қилдилар, у киши билан ўзаро суҳбатлашдик, фикр алмашдик. Мен у кишига «Озодлик» радиосининг тўғри, ҳақиқий, аниқ маълумот беришини айтдим ва ишонтирдим, деб ўйлайман. Ва яна шуни дедимки, биз ҳеч бир партиянинг, ҳеч бир сиёсий гуруҳнинг, ҳеч бир ҳаракатнинг тарафини олмаймиз, ишларига аралашмаймиз, лекин ҳақиқатни билиш учун турли гуруҳлар, кишилар, партия аъзолари билан суҳбатлар ўтказиб. уларнинг фикрларини олиб, ҳар қайсиларининкини эшиттирамиз.. Баҳони эса халқнинг ўзи берсин.

Муҳтарам Президент билан орамизда қизиқ савол-жавоб бўлиб ўтди Мен «Озодлик» радиосининг бир шўъбасини Олмаотада очиш учун тайёрланаётганлигимизни айтиб қолдим. У киши «Нега Тошкентда эмас?» дедилар. Мен «Сиздан сўрамоқчи бўлиб турган эдим...» дея баъзи масалаларни ўртага ташладим. У киши ўша заҳотиёқ аниқ ҳаракат қилдилар: Тошкентда «Озодлик» радиоси мухбирига мен илтимос қилганимдек бир хона эмас, икки хона ва телефон ажратиб бериладиган бўлди.

— Табриклайман! Қутлуғ иш бўлибди.

— Иншооллоҳ, иншооллоҳ...

— Ёқуб ака, ниҳоят ўзингиз ҳақингизда ҳам сўзлаб беришингизга гал келди.

— Мен 1943 йилда Афғонистонда туғилганман, 1971 йил Қобул университетининг иқтисод факультетини битирдим. Бир қанча вақт Афғонистон молия вазирлигида ишладим. 1978 йилда Англияга кетдим. У ерда иқтисод ва молия олий мактабида ўқидим. Икки йил илмий тадқиқот ишлари ила шуғулландим. Магистрлик даражасини олдим. Кейин Англия план бошқармасида бошқарувчи ўлароқ хизмат қилдим.

1987 йилда Мюнхендан «Озодлик» радиосининг баъзи ходимлари Англияга конференцияга келишган экан, улар мени Олмонияга, яъни ўзлари билан бирга хизмат қилишга таклиф этишди. Менинг нутқим уларга ёқиб қолган экан-да. Розилик билдирдим. Ишлаяпмиз...

Шуни айтишим керакки, бизнинг оиламизда она тил ҳам, ота тил ҳам фақат ўзбек тили. Ўз тилингни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Беш фарзандимиз бор. Энг катта ўғлим Аҳмад Турон 26 ёшда. Англия университетини битказган. Ҳозир менежерлар ширкатида бошқарувчи вазифасида ишлаяпти. У Америка юқори даражали бошқарувлар ассоциацияси аъзоси экан. Аҳмаджонни Тошкент университетида ишлашга таклиф этишяпти. Фарид Турон эса кимё муҳандислигини битирган. Ширкатда инжнер бўлиб ишлаяпти. У, Ўзбекистонга бораман, дейди.. Қизим 22 ёшда Бизнесмен ва иқтисод факультетида (Англияда) ўқияпти. Тўртинчи фарзандим Маъсуджон Мюнхенда халқаро байналмилал мактабни битириб, Англияга кетди ва университетда таҳсилни бошлади. Энг кичигимиз 14 ёшда, 9-синфда ўқияпти. «Чол-кампир» билан бирга...

Мен юқорида айтиб ўтганимдек, ўша оғир йиғирманчи — ўттизинчи йилларда ҳеч ким Ўзбекистондан — Туркистондан қоп-қоп олтин орқалаб муҳожирликка чиқиб кетгани йўқ. Эртага қайтиб келамиз, босқинчилар кетишади, деб ишонганлар. Бир қарияни билардим, қачон суҳбатлашсангиз «сал пайтда Туркистонда тинчлик бўлади, иншооллоҳ, ҳаммамиз Ватанга қайтамиз», дерди. «Бир-икки соат денг» дея баъзи кексалар ҳазиллашсалар, уришиб қоларди. У ана шундай умид билан дунёдан ўтиб кетди.

Бу гапларни нима учун айтаяпман? Менинг отам ҳам катта савдогар бўлган. Бу ерда бола-чақаси қолган. Уни қамашган. Қамоқдан бир амаллаб қочган. Афғонистонда бизнинг волидамизга уйланган. Ўз меҳнати билан бизни вояга етказди. Менга бойлик тарақасида ақл ва ҳунарни қолдирди. Мен ҳам болаларимга катта молмулк йиғаётганим йўқ, топганимни уларнинг ўқишлари, билим олишлари, ҳунар эгаллашлари учун сарфлаяпман. Фарзандларимга қолдиражак бойлигим шу бўлади.

— Раҳмат, Кошки ҳамма оталар ҳам Сиздек ўйлашса. Энди, Ёқуб ака, халқимизга тилакларингиз...

— Тилакларимни қай бирини айтай?! Энг аввало шу кунлар насиб этиб, дийдор кўришиб турганимиздан бахтиёрман. Мен бундан 14 йил аввал ҳам Ўзбекистонга келган эдим, аммо бошқа Ўзбекистонга келган эдим... Бугун уйғонаётган, эркинлик нашидасидан оз бўлса-да баҳраманд бўлаётган, мустақиллик эълон этиб турган Ўзбекистон давлатига келдим.

Мустақилликни сақлаш олий мақсад бўлсин! Бунинг учун халқимиз қўлни қўлга бериши, юракни юракка пайванд этиши жоиз. Бутун дунёдаги ўзбеклар бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари, бутун дунёдаги туркийлар ҳамжиҳат, ҳамфикр дунёдаги қон-қардош, дўстлар, мусулмонлар якдил, яккамғиз бўлишлари жоиз!

Бир аср нари-бери халқимиз топталди. Тарихимиз, қадрқимматимиз, ору-номусимиз, нону-насибамиз топталди. Хору зорликка юз тутди. Етар!

Биз кимларнинг авлодимиз? Дунёга билдирайлик: Беруний, Ибн Сино, Темур, Улуғбек, Навоий, Али Қушчи, Хоразмий, Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Фарғоний, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Яссавий, Бобур авлодимиз, ахир! Ўш, Ўзган, Қўқон, Фарғона воқеалари муносабати ила дунё матбуоти бизни «ёвойиларга чиқарди. Ким ёвойи экан, ўйлаб кўрайлик. Тил, дил, иш бирлиги сиёсатимиз бўлсин. Эркинлик, озодлик туғи халқимиз бошида мангу қилпирасин!

Ҳа, бизга маълум, Туркистонни топтаганлар, туркистонликларни топтаганлар, ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, қорақалпоқни хор-зор қилганлар ўз сиёсатларининг таназзулини кўриб турибдилар, аламзадалар жон беришлари қийин бўлаяпти. Аммо худо шоҳид, ибтидонинг интиҳоси бор, зулмнинг таназзули бор, оққан дарё оқмай қолмайди. Бир баҳри муҳитда иссиқ сув ҳам, совуқ сув ҳам ҳаёт кечиради.

Қайта-қайта қайтарадиган гапим: халқим, Мустақиллигинг, абадий бўлсин! «Озодлик»да фақат бахтинг кўйлансин!

Азим СУЮН

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС

Водийларни ёёв кезганда...

ЖАМОАТЧИ ВА «ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Х. ЮНУСОВА:

ҚУҚОН. «Электромаш» заводининг йирик цехларидан бири дазмол ишлаб чиқаришга мослаштирилиб таъмирланди, замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Уларни бошқарадиганлар шу турдаги йирик корхоналарда малака оширди. Ҳозир ойига 1,5 мингдан зиёд дазмол савдо дўконларига чиқарилаяпти.

* * *

ФАРҒОНА. Азот ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот тайёрлаш 50 фоизга камайди. Чунки қардош жумҳуриятлардан ташиб келтирилаётган ацитат хом ашёсининг 40 фоизигина олинаяпти, холос. Ҳозир корхона ишлаб чиқараётган карбомид ўғити харидоргир экан. Унга АҚШлик фермерлар ҳам талабгорлик қилишаяпти. Целлюлоза уксуси тақчиллиги ишнинг белига тепаяпти.

Х. ЗОИРОВА:

НАМАНГАН. 15-автомобилларни таъмирлаш заводи жамоаси Пермь, Омск, Ижевск ва Москвадаги турдош корхоналар билан алоқани йўлга қўйди. Яқинда янги келтирилган дастгоҳлар ўрнатилди. Энди «Москвич» маркали автомобилларнинг тирсакли валлари қайта созланяпти.

* * *

ТУРАҚУРҒОН. Мева-сабзавот қуритиш комбинати цехлари Италияда тайёрланган дастгоҳлар билан жиҳозлангандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ўн минг тоннага етди. Бахтга қарши дарахтларга табиий офат зарар етказди. Корхона ишчилари 500 тонна ўрик, олма, шафтоли, олчани қуритдилар. Ҳозир атрофдаги хўжаликлардан қабул қилинган сабзи, пиёз, картошка, саралаб қайта ишланаяпти. Қуритилган сабзавот таркибида нитрат, азот, турли кимёвий дорилар меъёрдан зиёдлиги жаҳон бозорига чиқишга имкон бермаяпти. Ҳозир корхона раҳбарлари район, вилоят мутасаддиларидан мева-сабзавотни ўзлари етиштиришлари учун 500 гектар ер сўрашмоқчи.

Т. ИСМАТУЛЛАЕВ:

БЎЗ. М. Жалолов номли жамоа хўжалиги ҳудудида санаторий-профилакторий ишга тушди. Ҳозир бу ерда қишлоқ меҳнаткашлари соғлиқларини мустаҳкамлашаяпти. Асаб, бел, оёқ, оғриғига чалинганлар эса игнатерапия, электр қуввати, балчиқ, шифоли сув, турли физиотерапевтик даволаш усулларидан фойдаланишаётир. Хўжалик раҳбарлари бинони таъмирлаш, асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга 80 минг сўмдан зиёд маблағ сарфлашди.

И. ДИЛМУРОДОВ:

ЖУМА. Вилоятда турли маркадаги Япония автомобиллари йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Шу боис эҳтиёт қисмларга, таъмирлашга зарурат туғилаяпти. Яқинда шаҳарда «Тойота мотор корпорейшн» машиналарига хизмат кўрсатадигани Самарқанд» таъмирлаш устахонаси ишга туширилди. 150 минг сўмлик дастгоҳлар, ускуналар олинди. Хорижликлар эҳтиёт қисмларни пахтага айрибошлашни таклиф қилишаяпти.

ПАСТДАРҒОМ. Ленин номли жамоа хўжалигида мевадан хушхўр ичимликлар тайёрлайдиган цех ишлай бошлади.

И. ТОШЕВ:

ТОШКЕНТ. Жумҳурият Онкология ва радиология илмий-тадқиқот илмгоҳи шифохонасида ҳамширалар кўриктанлови бўлиб ўтди. Қизлар касалларга муомала қилиш, асбоб-ускуналарни созлаш, ўзбекона кийиниш ва сўзлашиш бўйича мусобақалашдилар. Баҳолаш ҳайъати аъзолари ҳеч кимни ҳафа қилишмади. Иштирокчи қизларга совғалар тақдим этилди.

* * *

ЯНГИБОЗОР. Канап заводидан кўтарилаётган чанг, кимёвий дорилар атроф-муҳитга зиён етказарди. Аҳолининг талаби билан корхона бошқа жойга кўчирилди. Бинолар таъмирланди. Сўнгра ўрнига Тошкент мебель комбинатининг «Роҳат» кичик корхонаси очилди. Кўпчилик ишли бўлди.

ҚИРҒИЗИСТОН ХАБАРЛАРИ

УШ—ИТАЛИЯ СИГАРЕТЛАРИ

ЎШ вилоят озиқ-овқат саноати бирлашмаси Италиянинг сигарет ишлаб чиқарувчи «Сахиб» консорциуми билан шартнома тузди. Ахдлашувга мувофиқ Ўш, Новқот ҳамда Қизилқияда йилига 10 миллиард дона сигарет чиқарувчи учта фабрика қуриш мўлжалланди. «Сахиб» фирмаси вакиллари бу ишларни амалга оширишда ўшликларга кўмаклашишмоқчи.

ХИТОЙ мутахассислари билан шерикликда Ўшда шунга ўхшаш яна бир фабрика қуриш кўзда тутилмоқда. Бу фабрика йилига 3 миллиард дона сигарет ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

ЙИЛИГА УЧ МИЛЛИОН ДЕКАЛИТР ПИВО

ПЕКИНДАГИ «Луи Хуа» компанияси ишбилармонлари Ўшда йилига уч миллион декалитр пиво ишлаб чиқарувчи завод қуришмоқчи. Мақсад амалга ошса фақат вилоят аҳолисини эмас, қўниқўшниларни ҳам пиво билан таъминлаб туриш имконияти туғилади.

ОҚҚУШ ПАРВОЗИ

ОКТЯБРЬ 50 йиллиги Ўш ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган «Оққуш» ансамбли рақслар халқаро танловида иштирок этди. Бундан олдин ансамбль жамоаси Москвада бўлиб ўтган халқаро танловда иккинчи ўринни эгаллаган эди.

Польшада ҳам «Оққуш» рақсчиларига омад кулиб боқди. Конкурс якунига кўра ўшлик ёш рақсчилар Ксеня ва Денис Касжер, Наташа Григорьева ва Игорь Гнединлар фахрли ўринларни эгаллашди.

САВДО УЙИ

ЎШда регионал мол-жамғарма биржаси, халқ депутатлари Ўш шаҳар кенгашин, савдо бошқармаси, саноатқурилиш банки, вилоят матлубот жамияти, молия бошқармаси, «Кенч» ассоциацияси таъсис этдилар.

Р. КАРИМОВ.

ҚЎҚОН УСТАЛАРИ

Халқ ҳунармандчилигининг «Усто» бирлашмасида амалий санъатимизнинг ўндан ортиқ турларида нодир асарлар яратиляпти. Заргарлик, мисгарлик, кулолчилик ва пичоқчилик қаторида гиламдўзликда ҳам бетакрор намуналарга эришилмоқда. Усталарнинг кўпчилиги отабоболар касбини давом эттираяптилар. Шундай устоз кўрганлардан Маҳмуджон Раҳимов, Мақсуджон Туробов каби заргарлар ишлаган узук ва зираклар Япония, Италия, Бельгия, Германия мамлакатларида ўтказилган кўргазма-танловларда юқори баҳоланди. Италиянинг Фаянца шаҳридаги махсус чинни музейида қўқонлик уста Ҳаким Сатимовнинг ўзбек миллий услубида ишлаган буюмлари барчани лол қолдирмоқда.

Бирлашма усталари йўқолиб бораётган халқ амалий санъати турларини сақлаб қолишга интилмоқдалар. Шундай бўлса-да, ўзбек тақинчоқларини ясовчи заргарлар Қўқонда бармоқ билан санарли даражада қолди, холос. Исмоил Қўчқоров мисдан офтоба, чойнак, қумғон, пиёлалар ясовчи нодир касб соҳибидир. У мисгар усталар камайиб бораётганидан ташвишда. Шу сабали Искандар Умаров, Фарҳод Боқиматов, Фозил Одилов каби ёшларни ўзбек амалий санъатига жалб этди. Қўқон гул усталар яратган буюмлар эса кўзларни қувонтирмоқда.

СУРАТДА: уста Фозил Обидов ва унинг ижоди намуналари.

Маъмур НАЗАР олган сурат.



Андижон тиббиёт институти профессори Мирзабой Толипов ошқозон ва қизилўнгачни даволашнинг янги илмий йўналишини тажрибадан муваффақиятли ўтказди ва бу кашфиёти учун унга муаллифлик гувоҳномаси берилди.

Олим яратган янгилик эндиликда наинки республикамизда, қолаверса, Москва Тиббиёт академияси, Грузия Республикасининг Кутаиси шаҳридаги клиник шифохоналарда ҳам амалда тадбиқ этаётганини эшитиб ҳурсанд бўласан киши.

Профессор М. Толиповнинг шунга ўхшаш қирқдан ортиқ илмий кашфиёти мавжуд. Барчаси тиббиётда самарали қўлланиб келинаяпти.

СУРАТДА: профессор Мирзабой Толипов ва бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди Анатолий Рябчиков.

Ш. ОЛИМОВ
олган сурат.
(ЎзТАГ).

БЕНЗИННИ БЕЛГИЛАНГАН ПАЙТДА ОЛИШАДИ

ХАЛҚ депутатлари Косонсой шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси шаҳар ҳудудида яшовчи шахсий транспорт эгаларига автобензин сотиш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда уни тартибга солиш мақсадида фармойиш чиқарди. Транспорт эгаларига энди махсус китобча орқали бензин сотилади. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган автотранспорт эгалари ойига икки марта ҳафтанинг белгиланган кунларида бензин оладилар.

Шаҳар кенгаши ижроқўмининг бу қарори транспорт эгаларига қулайлик туғдирди ва тартибсизликка барҳам берди.

Ўтмишга назар

«УСУЛИ ЖАДИД» МАКТАБЛАРИ

XX аср бошида Россия мустамлакаси ҳисобланган Ўрта Осиё, Кавказ, Ўрта Сибирь халқлари орасида бошланган миллий кўтарилиш маданий-маърифий оқим сифатида намоён бўлди. Туркий халқларнинг бундай миллий қўзғолиши жадидчиликнинг ривожланиши билан боғлиқ кечди. Чуқур ўзак-илдизлари билан Мирза Бедил ижодига бориб тақаладиган бу таълимот Бухоро адибларидан Аҳмад Дониш ижодида ўз аксини топди. 1908 йили Бухорога «Россия мусулмонлари»нинг отаси ҳисобланган Исмоилбей Ғаспирали келиши муносабати билан «Усули жадид» мактабларининг фаолияти кенгайди. 1914—16 йилларда Бухоро музофотида бундай мактабларнинг сони йигирмадан ортган бўлса-да, уларга қарши мутаассиб кучларнинг аксил ҳаракати ҳам фаоллашди. Жаҳолат бандалари янгиликка осонликча ён бермадилар, турли ғиво ва туҳматлар уюштириб, жадидларни обрўсизлантиришга уринди-лар, ҳатто амир орқали бундай мактабларнинг кўпи ёпиб қўйилишига эришдилар.

Фитрат 1911 йили Истанбулда эълон этган «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик бир мударрисниг бир неча масалалар ҳам усули жадид хусусида қилғон м у н о з а р а»си асаридаёқ янги усул мактабларининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш билан чекланмай, унинг афзалликларини мунозара йўли билан исботлаб улгурган эди. Адибнинг «Ҳинд сайёҳи баёноти», «Бегижон», «Арслон» каби бадиий асарларида кўзга ташланган бу мавзу унинг «Маориф», «Аҳволи ҳозира», «Мактаб керак», «Маориф ишлари» каби мақола ва нутқларида кенг томир отди.

Дастлаб «Очиқ сўз» рўзномасида эълон этилган «Жоҳилона мутаассибга мисол» мақоласи (мақоланинг араб алифбосида чоп этилган нусхасини топиб, фотонусхасини бизга лутфан тақдим қилгани учун япон туркшуноси, Токио университетининг профессори Хисао Кўмацу жанобларига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз—Ҳ. Б.)да: «Бизнинг учун ўқув, илм ва маърифатга ёпишув лозим, ватанимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз илм нури бирла ёқтирсун, дин ҳам дунё илмлари бирла жиҳозлансун. Бу ҳол энди бизнинг учун фарз бўлди», деган хулосага келади. Аслида тузукроқ саводи бўлмаган мутаассиб жаҳолат кишилари янги маърифий ҳаракатга қарши чиққанларида Фитрат муқаддас китоблардаги имом Бухорий ва Муслимнинг: «Мусулмон кишиларини кофир қилувчилар, агарда шул киши (кофир деб эълон қилинаётган — Ҳ. Б.) кофир бўлмаса, уларнинг ўзлари кофир бўлурлар» сўзларини келтириб, бу тутақишлар ноўрин эканини исбот қилади. Ниҳоят, улар вақтинча ғолиб келиб, янги усул мактаблари маън этилгач, Фитрат бошлиқ фидойи жадидлар маърифат ва зиё тарқатиш учун «бошқа бир йўл бирла тиришуб» китобчилик ширкати тузишганн, нашриёт ишларини йўлга қўйишгани Бухоро тарихидан маълум...

Қўйидаги мақола Фитратни улуғ маърифатпарвар эканидан бир шаҳодатдир.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари номзоди.

Абдурауф ФИТРАТ

ЖОҲИЛОНА МУТААССИБГА МИСОЛ

Бухоро шаҳрининг ўрамларина (ўраб турувчи деворларига — Ҳ. Б.) ушбу мазмунда бир эълон ёпиштирилғон эди: «Янги чиқғон жадидлар болаларимизнинг эътиқодларини бузалар, мунлар ҳунарларинда ҳеч ким боласини ўқутмасун, ўқутса шул кишини ўлдиражакмиз, жадидлар живлашуб (қаршилик қилиб) ўтурмасунлар, агарда живлашуб ўтурсалар, биз оннларнинг бошларини кесармиз, жадидлар намоз бирла рўзани, закотни ўтамайлар, мунлар кофирлар, қонлари ҳалол» (Бу эълонда бир ҳадисда ёзилғон).

Бошқа мамлакатларда мундай маъносиз, имлоси бузуқ, аҳмоқлиқ аломати бўлғон эълонлар, ёзувларнинг аҳамиятлари бўлмаса-да, Бухоро каби ўрунда афкори умумиянинг мундан мутаассир бўлуви мумкин. Шул сабабли мундай жоҳилона таассубга қаршу илтифот этмай қолув бизнинг учун мумкин тугул (эмас).

Ёзув ёза билмай туриб шундай эълон ёзувчиларга «жадид»ларнинг маслаклари ненди (нима) нарсадан иборат эканлигини билдурурга ҳожат бор.

Бухоролиларнинг тижорат, ахлоқ ва илм, саноат ва ҳунар, маишат жиҳатларинда бутунлай ортда қолғонликларини «эълон» ёзувчилар билмасалар-да, бошқалар биладилар. Тижорат майдонларинда, таҳсил мадрасаларинда, ахлоқ тўғиларинда ўз ишларининг қоидасини ва зибари (зийнати)ни бир яҳудий қадар билувчи онгли кишимиз йўқ. Дунёнинг телефун ва телеғроф ҳамда темур йўллар каби фани мўъжизаларини кўруб-да шуларнинг сирларини ўгранурға (ўрганурға) тиришувчи одамимиз йўқ. Ҳатто мадрасаларимиздан чуқуб-да бир жамоатнинг кофирлигини эълон этувчиларимиз-да дуруст ёза билмайлар.

Шул ҳолни яратув, мундан ризо бўлуб турувчи биргина мусулмонда бўлмаса керак. Мана шу ший (шундай) равишда бўлғон ижтимоий хасталикларимизга даво изловчилар «жадид»лар (янгилар)дир.

Жадидлар (янгилар): «Миллатимиз, халқимизнинг бу даражада тубан қолувларина, шу ший мартабада ёмон кунларға тушувларина нодонлиғлари сабаб бўлди, бизнинг учун ўқув, илм ва маърифатға ёпишув лозим, ватанимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз илм нури бирла ёқтирсун, дин ҳам дунё илмлари бирла жиҳозлансун. Бу ҳол энди бизнинг учун фарз бўлди, эски мактабларда саккиз йиллар ўқуб-да Ирон халқларининг ичкилик ва ишқ каби сафоҳатларидан иборат бўлғон адабиётдан бошқани билмовчи болаларимиз янги мактабларга кируб дин ҳам дунё учун фойда бературғон лозим нарсаларни ўқисунлар, ҳисоб ва ёзув билсунлар, дўрт турли фан ўқир учун мадрасаларимизда ўн саккиз йил ётувчи шогирдларимиз ўн икки йил мадрасани-да тамом шартина етишдуруб ўн беш фан ўгрансунлар, мадрасадан чиқуб-да бошқаларни акфор (куфр) қилуб тугул, балки мусулмон қилуб, эълон ёзувчиларимизнинг имлолари киши кулдурмак даражада бузуқ бўлмасун, савдоларимиз, ҳунар ва саноатимиз, экунчилик (деҳқончилик) ишларимиз бу кунги каби забун ҳолда турмасун, балки тузалсун, яхшилансун!» дейлар. Муни «жадид» (янги)лар шуйтиб равишда сўйлайлар ва шу (ший) йўлда юрийлар.

Ушбу мақсадимға эришур учун биз — «жадид» (янги)лар Бухорода мактаблар очдик, лекин Бухоро ҳукумати ненди фалсафаға кўрадир (қандай бузғунчиликка йўяди маъносида), бизнинг мактабларимизнинг давомина мусоада қилмади, яшшатмади. Шул кундан берли биз мактабсиз қолдук.

Мундан сўнг: «Мактаб йўли бирла бўлмаса бошқа бир йўл бирла тиришуб қарайик!» деб тижорат йўлина кирдик ва Бухоро ҳукуматидан рухсат олуб бир китобчилуқ ширкати ва бир қумоч нарсаси ширкати тузувдик.

Китобхонамизда газета ва журналлар бирла бирликта ҳадис ва тафсир ҳамда дарс китоблари кетуриб эски мадрасаларнинг шогирдларина уч юз ҳақ бирла дарс китоблари сотдирамиз. Қумоч ширкати даҳи юз молларини уч юз баҳо бирла сотуб фойдасини кўбиси «жадид» бўлмағон ширкатлар орасина тақсим этуб (бўлуб) турадир. Демак, бизнинг ижтиҳодимиздан «жадид» бўлмағон ва «жадид»ларни ёротмай (ёқтирмай, кун бермай) турғон одамлар фойдалананалар.

Энди «жадид»лик маслакинда бўлғонларнинг ўз ҳолларини-да бир оз таъриф қилайик:

Бу «жадид»ларнинг кўбраклари эски мадрасаларда, дарсларини энг яхши равишда тамом этувчилар бўлуб ораларинда бу кунда зўр мударрислар ва олимлар бор. Мунлар тафсир ва ҳуадис дарслари ўқуталар, ўқутмағонларида дарс ўқитув лозим бўлғонда ўқитурға мақтадирлар. Мунлар юзлар бирла ҳадиси шарифларни хатосиз ёдлағонлар ва дуруст онглайлар. Энди пайғамбардан ривоят этулатурғон бир ҳадисни-да дуруст ёза билмаган, имло ҳунариндан-да маҳрум одамлар чиқсунлар-да шу шундай одамларни акфор этсунлар, акфор бирлагина қаноат этмай, қонлари ҳалол булув бирла фатво берсунлар. Шу шийми инсоф? Буми мусулмонлиқ?!

У отиш ўйновчилар, ароқи ичувчилар ва бутун амирларини фисқу фужур йўлида ёздирувчилар Бухорода юз тугул милйонлар бирла инсонларнинг қонларини сув каби оғузиб турувчи ва юз мингларбирла болаларини, хотунларини етим ва кишисиз қолдирувчи бу кунги зўр сўғишдан иборатла ҳамма кайф ва сафо мажлислари қуруб мусулмон болаларини (баччаларини) ўйнатувчилар-да кўб. Шу шиндай халқлар озғинада татиъ ылинмағонлари ҳолда ислом ва мусулмонларнинг тараққийси учун тортишувчилар акфор қилинсунлар, қонлари мибоҳ кўрилсун! Диёнат шу шийми? Буми одамчилик?

Қуръони карим мусулмонлиғи даъво қилиб салом берувчиларни акфор қилувдан маън этадир. Мусулмонларни акфор қилувчилар билсунларки, «Мусулмон кишиларини акфор қилувчилар агарда шул киши кофир бўлмаса, ўзлари кофир бўлурлар» мазмунида ҳадиси шарифлар Бухорий бирла Муслим сахихларинда бор.

Эзлончи афандилар, фитна қўзғатув ўрнинда Қуръон бирла ҳадис ўқуб шундай олий сўзларни ўгрансалар ва билган изрсалар ini дурust ёзарға тиришсалар, яхшироқ ва мусулмончароқ бўлур эди.

Бу мақолани ёзувимиз ўлимдан қўрқувдан тугул. Биз ўлумдан қўрқмаймиз. Ҳақ йўлда ўлдирилув ва ўлув ботиллиқ узринда яшовдан яхшироқ. Хайрлироқ. Биз муни Қуръони каримда ўқув шунга аён кетурганмиз. Балки муни ёзувдан мақсадимиз бухороликларни инсофга даъват этув ҳамда ҳукуматимизнинг диққатини жалб қилувдир. Ҳукуматимиз мундай масъалада сукут этмасун, балки бу ишни тафтиш ва тадқиқ қилсун эди. Агарда айб бизда бўлса, тевушли жазони бизга берсун, йўқса шундай эълон ёзувчиларни топуб майдонға чиқарсун. «Онларга тевишли жазо берсун эди», демаймиз. Жазо бермасун, балки танбеҳ ва насиҳат қилсун.

«Онларга жазо бермасун» деган сўзимни виждоним, иймоним бирла ёздим. Чунки шул одамлар-да, саодатлари ва тараққийлари учун тортишатурғон миллатимизнинг кишиларидир. Модомики, биз бу миллатнинг бахтиёр бўлувини орзу қиламиз, эълон ёзуб ёбишдирувчиларнинг саодатларида бизнинг учун матлубдир. Бизнинг маслакимиз муҳаббат ва маърифат ҳамда: маҳаматга бино қилинадур.

Дуруст, агарда бу тўғрида биз гуноҳли тугул эсак, ҳукумат тафтиш этуб шул эълон ёбишдирувчиларни топсун, аммо жазо бермасун, балки насиҳат юзундан онларға «Сиз мундай фитналар қўзғотиб юрмангиз, мундай йўқ ишлар бирла шуғулланув ўрнига мактабга кируб ёзув ўгранингиз. Имлонгизни гузатингиз, шундан шу илмларни комил одамлар ҳузурина боруб тафсир ва ҳадис ўқунгиз десун...

«Очиқ сўз» газетасидан олинди.
(1917 йил 15 январь).

Афсус!

БИРИНЧИ МАРТА, АММО...

Кўплаб мухлислар Тошкентда бокс бўйича халқаро турнир ўтаётганидан хабардор бўлсалар керак. Ҳозирги қимматчилик шароитида уни тайёрлашнинг осон эмаслигини айтиб ўтиш ортиқча. Фақат мазкур маърака билан боғлиқ кичкина бир унсурни эслашни лозим топдим.

Маълумки, оғир қийинчиликлар, тортишувлар билан Ўзбекистон Республикасининг янги байроғи тасдиқланди. Унинг ниҳоятда дилга яқин эканини таъкидлаш ила янги нусхадаги байроқни ҳаммамунчада топиш душворлигини, ҳатто зарурат бўлганда ҳам буюртма бўйича тайёрлаш осон эмаслигини сезиб турибсиз. Вироқ гап бу ҳақда эмас. Янги нусхадаги байроқнинг ҳам иложини қилишди.

Тартиб бўйича халқаро мусобақаларда иштирок этувчи мамлакатларнинг рамзлари: мадҳия садолари остида байроқ кўтарилади. Ниҳоят, Тошкент турнирида ҳам шу ҳаяжонли дақиқа етиб келди. Мусиқа янгради. Байроқ кўтарила бошлади. Вироқ айни шу дамда кишини оғир хижолатга соладиган воқеа рўй берди. Нур дарёси оқимида юксакка ўрлаётган байроққа қараб... ҳамма лоқайд ўтирарди. Одатда, бундай пайтда ўша мамлакат вакиллари оёқда тек қотганча туришлари лозим. Вироқ бизнинг юртдошларимиз ўринларида ялпайганча қимир этмай ўтиришарди. Ер ёрилмадики, кириб кетсанг. Меҳмонлар — Швеция, Руминия, Польша, Мўғулистон вакиллари ҳайратдан донг қотиб қолдилар...

Бу, эҳтимол, кичкина нарса ҳисобланиши мумкин. Лекин мустақил Ўзбекистон байроғи биринчи марта тантанали равишда баланд кўтарилди. Унга эса муносабатни кўриб турибсиз. Қадриятларимизни англаш энг майда ҳаракатдан бошланмайдими? Қачонгача биз фақат тўйиб овқат ейиш-у башанг кийиниш қайғусида яшаб ўтамиз? Ҳолбуки, маданияти юксалган мамлакатларнинг байроқлари кўтарилганда фуқаролари ўнг қўлни юракнинг устига қўйиб тик турганча сукут ичида, ҳатто кўзда ёш билан бу дақиқаларни кутиб оладилар. Ғафлат уйқусидан уйғониш фурсати етмадими? Токайгача ўз феъ.лимиз билан масхара бўлиб юрамиз.

Мирзаэргаш ЙЎЛДОШЕВ,
журналист.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР !

"Ал'КаНиМ" фирмаси

"Ал'КаНиМ" фирмаси

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР, ФИРМАЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АЛ КАНИМ» ФИРМАСИ

етакчи фирмаларда ишлаб чиқарилган, нархи Овруподаги ўртача нархдан пастроқ компьютерлар, ташкилий техника ва кенг истеъмол молларини таклиф этади.

1992 йилга халқ истеъмол товарларини етказиб бериш учун битимлар тузади.

Ҳақ эркин муомаладаги валюта билан тўланади.

Фирма, шунингдек, эркин муомаладаги валютани

СОТИБ ОЛАДИ

Битимларнинг жуда тез бажарилиши кафолатланади.

Шартномалар тузишга келган шерикларни фирма меҳмонхона билан таъминлайди ҳамда транспорт хизмати кўрсатади.

«Ал КаНиМ» сизга мунтазир!

Телефонлар: 92-06-93, 92-06-25.

Телекс: 116352. ALKAM SV.

МУЛКЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Термиз» универсал товар ва хом ашё биржаси корхоналар, ташкилотларни брокерлик хизматидан фойдаланишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларга ортиб қолган брокерлик ўринларини

СОТАДИ

20 декабрда чет эллик ҳамкорлар иштирокида таништириш ва биринчи савдоларни

ЎТКАЗАДИ

Имконнятингизни бой бермасликка шошилинг!

Биз Сизни чегара яқинидаги Термизда кутамиз!

Сизни ҳурсанд қилиш қўлимиздан келади!

«Термиз» биржаси Ўзбекистон Республикаси «Тошкент» товар-фонд биржасининг укасидир.

Манзилгоҳимиз: **Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 1.**

Телефонлар: **4-69-07, 4-43-06, 4-65-39.**

Унинг ақли пишиб етилди, фикри чархланди, яъни тафаккур қилиб, тушуниш ва фикр юритиш неъматини берган худогагина ибодат қиламан, деб қарор қилди. Бу инсон ростгўй ва ҳақиқатпарвар бўлиб қолди, чунки у ўзига гапириш фазилатини берган Оллоҳ таологагина, яъни ягона парвардигоргагина иқрор бўлди. Ўзи учун ихтиёрий бўлган ишларда ҳам Оллоҳ қонунига бўйсунадиган бўлди. У билан борликдаги бошқа махлуқотлар орасида якдиллик ва бирлик муносабатлари мустаҳкамланади. Чунки у барча махлуқотлар ибодат қиладиган, буйруғини бажарадиган, қонунга бўйсунадиган, ҳақиқий ҳикмат ва илм эгаси бўлган Оллоҳгагина ибодат қилмоқда. Демак, У Оллоҳнинг ҳалифаси, яъни ердаги нойби бўлиб, дунёдаги барча нарса уники, ўзи эса Оллоҳникидир.

КУФРНИНГ МОҲИЯТИ

Яна бошқа бир инсон ҳам мусулмон бўлиб туғилди. Бутун умри давомида ўзи сезмаган, ўйламаган ҳолда мусулмон бўлиб яшадию, лекин ўзининг илмий ва ақлий қуватини уни йўқдан бор қилган, кўзини кўрадиган, қулоғини эшитадиган қилиб яратган зотни танишга сарфламади. Яратувчининг мавжудлигини инкор этди, унга бўйсунишдан ор қилди, ҳаётининг ихтиёрий ишларида унинг шаръий қонунига бўйсунишдан бош тортди ёки унга бошқани тенглаштирди. Оллоҳнинг ягоналигидан далолат берадиган оятларга ишонмади. Бу одам кофирдир. Куфр сўзининг маъноси беркитиш, ўраш демакдир. Бундай кишининг кофир деийлишига сабаб, унинг ўз табиатини нодонлик ва ақлсизлик пардаси билан ўраб беркитиб олганлигидир. Инсоннинг туғилиши, баданидаги ҳар бир аъзосининг ишлаши, атрофдаги дунёнинг ҳатти-ҳаракати ислом табиати ва қонунларига биноан бўла туриб, яна унинг ўзи нодонлик ва ақлсизлик пардасига ўралиб қолиб, дунёнинг ва ўзининг табиатини кўролмай қолаяпти. Кўрасизки, у ўзининг билими ва тафаккурини табиатига қарама-қарши йўналтиради ва ўзининг чин инсоний табиатини бузадиган ишлар билан машғул бўлади.

Энди бундай бадбахт кофир тушиб қолган қаттиқ гумроҳлик ва залолатнинг ҳақиқий баҳосини бериш ўзингизга ҳавола.

КУФРНИНГ ЗАРАРИ ВА ЁМОН ОҚИБАТЛАРИ

Кофирлик нодонликдир! Янаям аниқроғи, ҳақиқий нодонлик кофирликдир. Ўз парвардигорини танимаган кишининг нодонлигидан ҳам ёмонроқ нодонлик бўлиши мумкинми? Мана шу улуғ коинотнинг кечаю кундуз давомли, тартибли ҳаракат қилаётганини кўрадию, уни яратган ва унга шундай гўзал ва устивор тартиб берган зотни тан олмайди. Кўмир, водород, кислород, азот, натрий, кальций ва бошқа жонсиз, ақлсиз моддаларни бириктириб, улардан инсон каби улуғ вужудни пайдо қилган ким? Коинотнинг ҳар тарафидаги турфа хил мавжудотнинг ҳар бири ўзининг яратилиши ва кўринишининг гўзаллиги билан ҳандаса, риёзиёт, кимё ва бошқа илмларнинг нодир намуналари эканлигини кўра била туриб, бу нарсаларга шу қадар етук ва бенуқсон сурат ва тартиб берган қудратли, ҳикмат ва билим соҳибини тан олмаслик ғалати эмасми? Озгина фикр юритинг: билимнинг бошидаёқ адашган мана шундай киши учун ҳақиқий маърифат эшиги очиладими? У қанчалар ўрганмасин, ўйланмасин, қанчалар қидирмасин, изламасин барибир ҳақиқий илм-маърифатга олиб борувчи йўлни топа олмайди. Чунки у аввал — бошданоқ нодонлик зулмати сари юзланмоқда. Охир-оқибатда ҳам бундан бошқа нарсага рўпара келмайди.

Куфр — зулмдир! Янаям тўғрироғи, энг катта, энг нафратга лойиқ зулм — куфрдир. Аслида зулмнинг маъноси бир нарсани ўз ўрнига қўймасдан, табиатига зид бўлган ишларда мажбурий ишлатишдир. Юқоридаги гаплардан сизга маълумки, еру осмонлардаги барча нарса Оллоҳнинг буйруғига бўйсунади, исломий табиат билан яратилган, ҳатто инсоннинг ўзи ва барча аъзолари ҳам мана шу табиат билан туғилади. Тўғри, Оллоҳ таолонинг инсонга бу аъзоларни ишлатиш ҳуқуқидан бир тарафини бериб қўйганлигига шаксшубҳа йўқ. Лекин бу аъзоларнинг хилқати ўзларини фақат яратувчини рози қиладиган йўлда ишлатишларини тақозо этади. Оллоҳга куфр келтирган киши ўз аъзоларини табиатларига номуносиб ҳолда ишлатади. Шунинг учун ҳам ундан қалби ягона Оллоҳни улуғлаб сеҳиш ва ўша зотдангина қўрқиш хислатлари билан обод қилишни талаб этаётган бир пайтда у дилини Оллоҳдан бошқани улуғлаш, яхши кўриш, бошқасидан қўрқиш зулматлари билан тўлдирянти. Шунингдек, у баданидаги барча аъзоларини, қўл остидаги ҳар бир нарсасини ҳам Оллоҳ таолонинг розилигига зид бўлган ишларда истеъмол қилмоқда. Ҳолбуки, уларнинг табиати улуғ парвардигор тарафидан келган қонунга муносиб ҳолда истеъмол қилинишини тақозо этади. Худо ҳаққи айтинг-чи: бу дунёда барча нарсага, ҳатто ўз жонига зулм қилиб, яшаб ўтган одамдан кўраям золимроқ одам бўлиши мумкинми?

Куфр зулмгина эмас, балки тажовузкорлик, кўрнамаклик ҳамдир. Ўзича қўл остидаги нарсаларга эга бўлиб олган одамни кўрмайсизми? Унинг ақлини, миясини ким яратган? Ўзими ё улуғ Оллоҳми? Унинг дилини, тилини, кўзини, қулоғини, оёғини, қўлини ва бошқа аъзоларини ким яратган? Ўзими ё буюк Оллоҳми? Уларнинг хилқатини ғўзаллаштирган, инсонга фойдали қилган, улардан фойдаланиш имконини берган ким? Унинг ўзими ёки — ҳар қандай нуқсондан пок — улуғ Оллоҳми?

(Давоми бор).

(Давоми. Боши 29 ноябрь сонида).

Жумъа қироати

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг «Ипак йўли» ўзбек миллий бизнес мактаби қошидаги брокерлар ва биржа ходимлари тайёрлов курслари «Ташқи иқтисодий фаолият» бўлими республиканинг «Тошкент» биржаси ҳамда хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик қиладиган «Таделс» Тошкент уюшмаси билан биргаликда бир ойлик ўқишга тингловчилар қабул қилади.

Машғулотларни республика олий ўқув юртларининг етакчи олимлари, биржа ва «Таделс» уюшмасининг бош мутахассислари олиб борадилар.

Курсни тугатганларга сертификат-гувоҳнома берилади.

Машғулотлар гуруҳлар тўлганидан кейин бошланади.

Ўқиш нархи — 2100 сўм. Талаба ва ўқувчилар учун — 500 сўм (ўқиш жойидан маълумотнома келтирадилар).

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилгоҳдан олишингиз мумкин: **700063, Тошкент, Узбекистон кўчаси, 49. «Маркетинг ва ташқи иқтисодий реклама» кафедраси. Телефонлар: 45-42-60, 45.49.59, 45-36-66.**

УЙ-ЖОЙ АЛМАШТИРИЛАДИ

М. Горький метро бекати ёнида жойлашган 2 хонали давлат квартираси (27 м.кв., ғиштли уй, 1-қават) Фрунзе райони ҳудудида ёки марказда жойлашган 2 хонали квартирага алмаштирилади.

Мурожаатлар учун манзилгоҳ: Луначарский кўчаси, 127, кв. 2.

Телефон: 53-72-14.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши*

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй*

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.

Буюртма № 6507. 118800 нусҳада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.15. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12